БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 273 (17.257). ● 30 ноябрь 1978 йил, пайшанба ● Баҳоси 2 тийин.

МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛДИ

СССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

Қашқадарё ва Жиззах областларининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXV съезди ва КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, ҳосилни йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказдилар ва давлатга барча деҳқончилик маҳсулотлари, шунингдек пилла сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажардилар.

Қашқадарё областининг хўжаликларидан тайёрлов пунктларига 495 минг тоннə пахта етказиб берилди. Картошка планда белгиланганидан 88 процент, мева 28 процент, сабзавот 20 процент, полиз маҳсулотлари 15 процент, пилла 20 процент кўп харид қилинди.

Жиззах областининг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари тайёрлов пунктларига 304 минг тонна пахта топширдилар, сабзавот планда белгиланганидан 66 процент, полиз маҳсулотлари 43 процент, пилла 26 процент кўп сотилди.

Бу областлар мамлакат шаҳарларига ва саноат марказларига сабзавот ва полиз маҳсулотлари етказиб бериш планларини ошириб бажардилар.

Давлатга деҳқончилик маҳсулотларини сотиш давом этмоқда.

МОСКВА. Катта Кремль саройи, 1978 йил 29 ноябрь. Тўққизинчи чақириқ СССР Олий Советининг ўнинчи сессияси. Суратда: СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг қўшма мажлиси.
В. Егоров ва В. Мусаэльян телефотоси. (ТАСС—ЎзТАГ).

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгашидаги (Москва, 1978 йил 22—23 ноябрь) СССР делегациясига бошчилик қилган КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг ахборотини тинглаб, Совет делегациясининг фаолиятини тўла-тўкис маъқуллайдилар ҳамда кенгаш натижаларидан мамнун эканликларини изҳор этадилар.

Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгаши Европада ва бутун дунёда халқларнинг иродаси ва орзу-умидини ифодаловчи катта-катта ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда ҳалқаро сиёсий иқлимни тубдан яхшилашга халақит беришга интилаётган империализм ва реакция кучлари сезиларли равишда активлашаётган мураккаб ва масъулиятли бир пайтда тўпланди.

Ҳозирги Хитой раҳбарлари ана шу кучларнинг бевосита гумаштаси бўлиб майдонга чиқмоқдалар. Хитой раҳбарлари экспансиячилик, гегемончилик мақсадларини кўзлаб, Совет Иттифоқига, бошқа қардош социалистик мамлакатларга қарши, тинчликка қарши кураш негизида империалист реакция билан ҳамкорлик қилишга интилмоқдалар.

Ана шундай бир шароитда Сиёсий маслаҳат комитети қабул қилган Декларацияда баён этилган хулосалар Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг кескинликни юмшатиш сиёсатига муттасил содиқ эканликларининг, улар шу жараённи чуқурлаштиришга аҳд қилганликларининг янги салмоқли далилидир. Варшава Шартномаси ташкилоти халқаро муносабатларда тинчлик ва стабилликнинг қудратли ва таъсирчан омили бўлиб яна майдонга чиқди.

Декларацияда тўла асос билан таъкидланишича, НАТО мамлакатлари ҳукмрон доиралари ўзларининг ҳарбий устунликларини таъминлаб олиш умидида қуролланиш пойгасини доимо авж олдириб, Совет Иттифоқи ва Варшава Шартномасининг бошқа қатнашчилари томонидан «уруш хавфи бор» деган сохта баҳона хусусида пропаганда шовқин-суронини авж олдириб, халқларнинг мустақиллик ва социал тараққиёт йўлидаги курашини ҳамма воситалар билан бостиришга уринib, дунёни кечаги кунга—«совуқ уруш» замонларига қайтаришни, халқаро муносабатларда хатарли кескинликни вужудга келтиришни ҳоҳлайдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгаши биринчи навбатдаги вазифаларни аниқ белгилаб берганлигини, шу вазифаларнинг амалга оширилиши Европада ҳам, шунингдек бутун дунёда ҳам кенг миқёсда тинч ҳамкорликни йўлга қўйишга ҳал қилувчи даражада қўмаклаша олишини мамнуният билан қайд этадилар.

Қуролланиш пойгасини тўхтатишга, қуролсизланишга кескин бурилиш ясаш вазифаси ҳозирги халқаро ҳаётнинг энг муҳим муаммосидир. Варшава Шартномасига аъзо бўлган мамлакатлар турли ташаббуслари комплекси ана шу мақсадга эришишга қаратилган. Бироқ Совет Иттифоқи шунга асосланадики, НАТО давлатлари ўтказаётган ҳамда узлуксиз кучайиб бораётган қуролланиш пойгаси сабабли Варшава Шартномаси Бирлашган Қуролли Кучларининг мудофаа потенциалини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш зарур бўлиб турибди.

Варшава Шартномасининг қатнашчилари ҳозир олиб борилаётган музокараларга катта аҳамият бериб ва шу музокараларнинг муваффақиятли тугалланишига интилиб маълум қилдиларки, улар бирон-бир мамлакатнинг хавфсизлигига зарар етказмаслик принципига қаттиқ риоя этиш асосида қурол-яроғларнинг ҳамма турларини чеклаш ёки қисқартиришга тайёрдилар. Улар Шимолий Атлантика шартномаси ташкилотини тарқатиб юбориш билан айни бир вақтда Варшава Шартномаси ташкилотини тарқатиб юборишга тайёр эканликларини ва биринчи қадам сифатида уларнинг ҳарбий ташкилотларини тугатишга, бунинг учун ишни ҳарбий фаолиятни ўзаро қисқартиришдан бошлашга тайёр эканликларини таъкидладилар.

Жаҳон халқлари Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг муҳим ташаббусини — ядро қуролининг барча турларини давлатлар аслаҳахонасидан чиқариб ташлаш ва ядро энергиясини нуқул тинчлик эҳтиёжларига хизмат қилдириш мақсадида бешта ядровий давлат — СССР, АҚШ, Англия, Франция, Хитойнинг музокараларини яқин вақт ичида бошлаш тўғрисидаги таклифни мамнуният билан кутиб оладилар, деб ҳисоблаш учун ҳамма асослар бор.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Хельсинкида қабул қилинган Якуловчи актда ифодаланган аҳдномаларни тўла ҳажмда амалга оширишга бундан буён ҳам ҳаракат қилавериш, Европа хавфсизлигини мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, Европадаги барча мамлакатларнинг ҳамкорлиги ривожлантириш ва рағбатлантиришга интилавериш ниятида эканликларини изҳор этдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети Декларацияда қардош социалистик мамлакатларнинг бир-бирлари билан ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ҳозирги замонниинг барча тараққийпарвар демократик кучлари билан баҳамжиҳат ҳаракатни кенгайтириш йўлини изчиллик билан ўтказиш ҳоҳиш-иродаси таъкидланганлигига катта аҳамият берадилар. Совет Иттифоқи шу йўлда муттасил ҳаракат қилиб келмоқда, жумладан, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида Совет—Вьетнам Шартномаси тузилганлигида, совет халқининг қардош Куба билан, қардош социалистик Вьетнам билан бузилмас бирдамлигида, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида Совет—Эфиопия Шартномаси тузилишида бу нарса исбот бўлмоқда. Барча тараққиёт ва тинчлик кучларининг бирлиги —кескинликни юмшатиш жараёнини янада дадил ривожлантиришнинг бош шартидир.

Сиёсий маслаҳат комитети кенгашининг Декларацияси Европадаги ва ҳалқаро вазиятни яхшилаш учун, шу йўлда ҳали ҳам турган чигалликлар ва тўсиқларни бартараф этиш учун курашга янги зўр туртки беради.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг Москва кенгаши — ҳалқаро ҳаётдаги катта воқеадир. Кенгаш қабул этган қарорлар Европада ва бутун дунёда тинчликни қарор топтиришга, ҳалқаро муносабатларда тинч-тотув яшаш принципларини мустаҳкамлашга, барча мамлакатлар ва ҳалқларнинг кенг миқёсдаги ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришга пухта хизмат қилади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгаши қуйидаги Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Польша, Совет Иттифоқи ва Чехословакия коммунистик ва ишчи партиялари ҳамда ҳукуматларининг Яқин Шарқ проблемаларини ҳар томонлама ва одилона бартараф этишга қўмаклашиш йўлидаги азму қарори изҳор этилган баёноти муҳимлигини ҳам таъкидлайдилар. Қардош социалистик давлатлар АҚШ паноҳидаги Миср, Исроил ўртасида араблар нинг манфаатларига зид келадиган, араб ҳалқларининг ҳаётий манфаатларига зарар етказадиган, Яқин Шарқдаги можарони мустаҳкам ва одилона бартараф этиш имконятини фақат узоқлаштирадиган битимларни кескин қораладилар. Ана шу социалистик мамлакатларнинг раҳбарлари араб давлатларининг давлат ва ҳукумат бошлиқлари Бағдод учрашуви натижаларини қатъият билан равишан қўллаб-қувватлаганликлари ҳам катта аҳамиятга эгадир.

БУНЁДКОРЛИКНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ САРИ

Тўққизинчи чақириқ СССР Олий Советининг ўнинчи сессияси

29 ноябрь куни Катта Кремль саройида тўққизинчи чақириқ СССР Олий Советининг ўнинчи сессияси ўз ишини бошлади. Сессиядан олдин КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди. Барча совет кишилари Пленумнинг СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги давлат плани ва СССРнинг давлат бюджети лойиҳалари тўғрисида қабул қилган қарорини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нуткини зўр иштиёқ ва астойдил мамнуният туйғулари билан кутиб олдилар.

Л. И. Брежнев баён этган хулосалар ва йўл-йўриқларни Пленум тўла-тўкис маъқуллади. Бу хулоса ва йўл-йўриқларни барча партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, хўжалик органларининг фаолияти учун асос қилиб олишга қарор қилинди.

Пленум СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги давлат плани ва СССРнинг давлат бюджети лойиҳаларини асосан маъқуллади. СССР Министрлар Советига бу лойиҳаларни СССР Олий Советининг мухокамасига тақдим этиш топширилди.

План ва бюджет лойиҳалари ривожланган социализм мамлакатининг экономикаси катта имкониятларга эга эканлигини, Коммунистик партия халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини янада ошириш тўғрисида катта ғамхўрлик қилаётганлигини исбот этувчи ёркин далилдир. Ҳар бир совет киши иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини бажариш учун курашни ўзининг шахсий иши деб билиб, бу йилда бутун куч, билим ва тажрибасини сарф қилади. КПСС XXV съезди нинг карорларини, ўнинчи беш йиллик топшириқларини тез ва яхши бажариш йўлидаги интилиш ижодий меҳнат намуналарини доим вужудга келтираётган социалистик мусобақа кенг қулоч ёзганлигида жуда яққол намоён бўлмоқда.

СССР Олий Советининг сессияси эрталаб соат 10 да Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлиси билан очилди.

Депутатлар ва меҳмонлар **Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Д. А. Кунаев, А. Я. Пельше, Г. В. Романов, М. А. Суслов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, В. В. Шчербицкий, Г. А. Алиев, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, П. М. Машеров, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, Э. А. Шеварднадзе, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, Я. П. Рябов, К. В. Русаков, М. С. Горбачев** ўртоқларни гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Депутатлар сессиянинг кун тартиби ва иш тартибини бир овоздан тасдиқладилар.

Сессиянинг кун тартибида қуйидаги масалалар бор:

1. СССР Олий Совети Президиуми Раисининг Қирғизистон ССР ва Эстония ССРдан ўринбосарлари тўғрисида.

Бу масала СССР Олий Совети Президиуми томонидан киритилган.

2. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги давлат плани ҳақида ва СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1978 йилги давлат плани қандай бажарилаётганлиги тўғрисида.

Бу масала СССР Министрлар Совети томонидан киритилган.

3. СССРнинг 1979 йилги давлат бюджети ҳақида ва СССРнинг 1977 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисида.

Бу масала СССР Министрлар Совети томонидан киритилган.

4. СССР гражданлиги тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳаси ҳақида.

Бу масала СССР Олий Совети Президиуми томонидан киритилган.

5. СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Бу масала СССР Олий Совети Президиуми томонидан киритилган.

Раислик қилувчи — Иттифоқ Советининг Раиси **А. П. Шитиков** кун тартибидаги биринчи масалани кўриб чиқа бошлашни таклиф этди.

Депутат **Т. У. Усубалиев**га сўз берилади. У Қирғизистон ССР Олий Советининг Раиси депутат **С. И. Ибраимовни** Қирғизистон ССРдан СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари қилиб сайлашни ва депутат Т. Кулатов пенсияга чиққанлиги муносабати билан уни СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилишни таклиф этади. Бу таклифлар бир овоздан тасдиқланади.

Депутат **В. И. Клаусон**нинг таклифига биноан Эстония ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат **И. Г. Кэбин** Эстония ССРдан СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари қилиб бир овоздан сайланади.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госпланы раиси депутат **Н. К. Байбаков** «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги давлат плани ҳақида ва СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги давлат плани қандай бажарилаётганлиги тўғрисида» доклад қилди.

Шундан кейин «СССРнинг 1979 йилги давлат бюджети тўғрисида ва СССРнинг 1977 йилги давлат бюджетининг ижроси ҳақида» СССР молия министри депутат **В. Ф. Гарбузов** доклад қилди.

Шу билан СССР Олий Совети палаталарининг биринчи қўшма мажлиси ёпилди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕПУТАТ С. И. ИБРАИМОВНИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ҚИЛИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

Қирғизистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат Султон Ибраимович **Ибраимов** СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари қилиб сайлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1978 йил 29 ноябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕПУТАТ И. Г. КЭБИНни СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ҚИЛИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

Эстония ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат Иван Густавович **Кэбин** СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари қилиб сайлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1978 йил 29 ноябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕПУТАТ Т. КУЛАТОВни СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

Пенсияга чиққанлиги муносабати билан депутат Тўрабой **Кулатов** СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилинсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1978 йил 29 ноябрь.

БРОШЮРА ҚИЛИБ ЧИҚАРИЛДИ

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленумида сўзлаган нутқи алоҳида китобча қилиб нашр этилди. Китобчага КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1978 йил 27 ноябрда қабул қилган қарори ҳам кирган.

Брошюрани Сиёсий адабиёт нашриёти кўп нусхада нашр этган.

(ТАСС).

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Совети Совет Иттифоқи номидан 1978 йилнинг 18 май куни Москвада имзоланган Лотин Америкасида ядро қуролини тақиқлаш тўғрисидаги Шартномага (Тлателолко Шартномаси) қўшимча II протоколни маъқуллади ва ратификация этиш учун СССР Олий Советининг Президиумига топширди.

ТЎҚҚИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИ

СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1979 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҲАҚИДА ВА СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1978 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси депутат Н. К. БАЙБАКОВ доклади

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

СССР Министрлар Совети СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги Давлат плани лойиҳасини сизнинг муҳокамангизга тақдим этади. Министрликлар, идоралар ва иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари иштироки билан ишлаб чиқилган бу лойиҳани КПСС Марказий Комитетининг Пленуми маъқуллади. План лойиҳаси совет жамиятини ривожлантиришнинг КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларида белгиланган социал ва иқтисодий вазифаларга асосланади ҳамда ўнинчи беш йиллик планнинг иқтисодий базасини ташкил этади. Бу ҳужжатда беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида янги катта муваффақиятларга эришдик: мамлакатнинг иқтисодий потенциали ўсди, халқ фаровонлиги юксалди, Ватанимизнинг жаҳон экономикасидаги мавқеи мустаҳкамланди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқида мамлакат экономикасининг ривожланиши чуқур анализ қилинди, ишимизнинг ҳал қилувчи соҳалари аниқ белгилаб берилди. Бу соҳалар партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органларининг доимий диққат-эътиборини талаб этади ва партиянинг КПСС XXV съездида ишлаб чиқилган иқтисодий стратегиясини тўлароқ ва самаралироқ амалга ошириш учун партия ва бутун халқнинг куч-ғайратлари ана шу соҳаларга қаратилиши лозим.

СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1978 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Социалистик мусобақани авж олдириш, ишчилар синфининг, колхозчи деҳқонларнинг, совет зиёлиларининг фидокорона меҳнати туфайли, партия ва унинг Марказий Комитетининг катта сиёсий ва ташкилотчилик ишлари туфайли 1978 йилда мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, ривожланган социалистик жамиятнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш соҳасида олға қараб янги жуда катта қадам қўйилди.

Партия Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети бутун диққат-эътиборни асосий, энг актуал масалаларга қаратдилар, илғор тажрибани умумлаштирдилар, мавжуд камчиликларнинг сабабларини кўрсатиб бердилар ва бу камчиликларни йўқотиш чораларини белгиладилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети халқ хўжалигини, унинг бир қанча тармоқларини ривожлантириш, уларнинг техникавий даражасини ошириш, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш, айрим тармоқларда ишга туширилиадиган энг муҳим объектларнинг ишга туширилишини таъминлашдаги нуқсонларни тугатишга доир энг муҳим проблемалар юзасидан бир қанча қарордар қабул қилдилар.

Бизнинг хўжалик ютуқларимиз иқтисодий ўсиш пировард натижаларининг истеъмол ва жамғаришда фойдаланиладиган миллий даромад каби халқ хўжалик кўрсаткичида умумлаштириб кўрсатиб берилган. Миллий даромад 1977 йилга нисбатан 4 процент, ёки қариб 16 миллиард сўм кўпаяди, беш йилликнинг уч йилида эса 48 миллиард сўм миқдорида ортади. Миллий даромаднинг кўп қисми — тўртдан уч қисмига яқини халқ фаровонлигини оширишдан иборат асосий вазифани ҳал қилишга сарфланади.

Экономикамизнинг етакчи тармоғи бўлмиш социалистик саноат барқарор суръатлар билан ривожланмоқда. Бу йил саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1977 йилга нисбатан 28 миллиард сўм, ёки планда мўлжалланган 4.5 процент ўрнига 5 процент, беш йилликнинг уч йили мобайнида эса 16 процент, ёки 82 миллиард сўмликдан зиёд ортади. Маҳсулотнинг сифати яхшиланди. 59 мингдан кўпроқ буюмга давлат Сифат белгиси берилди.

Халқ хўжалигидаги барча тармоқларнинг ривожланиши фан ва техниканинг муваффақиятларига, уларнинг натижаларини практикага актив жорий этишга таянади.

Мамлакатнинг айрим районларида об-ҳаво шароити ноқулай келишига қарамай, қишлоқ хўжалик йили — умуман муваффақиятли тугалланди. Партия ва давлатнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши моддий-техника базасини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш йўли амалга оширилганлиги, колхозчилар ва совхоз ходимларининг фидокорона меҳнати, шаҳар меҳнаткашларининг қишлоққа ёрдами, партия, совет ва хўжалик органларининг кенг кўламдаги ташкилотчилик фаолияти натижалари қишлоқ хўжалик йилининг якунларидир.

Мамлакатимизнинг бутун тарихида энг кўп — 235 миллион тонна дон ҳосили олинди. Мамлакатнинг пахтакорлари ҳам анчагина муваффақиятларга эришдилар, ҳозиргача 8,3 миллион тонна пахта терib олинди.

1978 йилда ишлаб чиқариш, уй-жой — коммунал қурилиши ва маданий қурилишнинг кенг программаси бажарилди. Пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига сарфланган капитал маблағ ҳажми 126 миллиард сўмдан ҳам ошиб кетди, ёки 1977 йилга нисбатан 4 миллиард сўм кўпайди, беш йилликнинг уч йили мобайнида эса 367 миллиард сўмга етади, ёки тўқкизинчи беш йилликнинг шу давридагига нисбатан 33 процент кўпаяди.

Мамлакат миллий бойлигининг энг муҳим қисми бўлмиш асосий фондлар бу йил 7 процент кўпаяди ва сал кам 1,5 триллион сўмни ташкил этади, асосий фондларнинг бир триллиони ишлаб чиқариш фондларидан иборат.

Моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш соҳасида эришилган муваффақиятлар КПСС XXV съезди белгилаб берган кенг кўламдаги социал программани изчил амалга ошириш имкониятини туғдирди. Ишчилар ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи, колхозчиларнинг меҳнат ҳақи ва ижтимоий истеъмол фондлари планда шу йил учун мўлжалланганидан бир мунча ортиб кетади.

Уй-жой — коммунал қурилиш планларимиз социал программасининг муҳим қисмидир. 1978 йилда жами 109 миллион квадрат метрлик уй-жойлар фойдаланишга топширилади. Мамлакат беш йилликнинг уч йили мобайнида саҳни 323 миллион квадрат метрлик уй-жой олади. Бу эса 32 миллионга яқин кишининг уй жой—маиший шароитларини яхшилаш имконини беради.

Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар оборoти, шу жумладан умумий овқатланиш корхоналарининг оборoти 4,5 процент, маиший хизмат ҳажми эса 7,7 процент ўсади.

Бу йил мамлакатнинг ташқи савдо оборoти беш йиллик планда 1980 йилга мўлжалланган ҳажмдан ошиб кетади.

Буларнинг ҳаммаси бизнинг мамлакатимиз иқтисодий ва социал тараққиёт соҳасида олға қараб янги жуда катта қадам қўйганлигини исбот этади.

Шу билан бирга партия, унинг Марказий Комитети халқ хўжалигининг турли тармоқларида ҳал этилмаган вазифалар ҳали оз эмаслигига, ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулотнинг таннархини камайтириш, қувватлардан фойдаланишни яхшилаш борасида талайгина резервлардан фойдаланилмаётганлигига бизнинг диққат-эътиборимизни жалб этмоқдалар.

Капитал қурилишдаги аҳволни яхшилаш суст бормоқда. Темир йўл транспорти бир қанча муҳим юкларни ташиш планини бажармаяпти.

Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги нуқсонлар, план интизомининг бузилиши, маҳкамачилик қўринишлари ва оператив ишламаслик юқорида айтиб ўтилган қамчиликларнинг кўп жиҳатдан рўй беришига сабаб бўлди.

Планларни сўзсиз бажариш — давлат олдидаги энг муҳим бурч бўлиб, ҳар бир меҳнат коллективи ва унинг раҳбарлари иш сифатининг кўрсаткичидир. 1979 йил планини қабул қилар эканмиз, хўжаликни бошқарув органларининг, ишчилар ва колхозчиларнинг, инженер-техник ходимларнинг куч-ғайратларини ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, хўжаликдаги ички резервларни тинмай қидириб топиш ва сафарбар қилишга қаратишимиз зарур. Партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати ҳаммамиздан шундай қилишни қатъий талаб этмоқда.

Ёқилғи ва электр энергия ишлаб чиқаришнинг планда кўзда тутилган ҳажмлари халқ хўжалигининг эҳтиёжларини асосан таъминлайди, бироқ, бунинг учун иқтисодий тежашга қатъий риоя этилиши, иккиламчи ресурслардан тўлиқ фойдаланилиши шарт.

Машинасозлик ва капитал қурилишни ривожлантириш металл маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришни талаб қилади. Планда қора металларнинг тайёр прокатини ишлаб чиқаришни 108,7 миллион тоннага ва пўлат қувурлар ишлаб чиқаришни 18,2 миллион тоннага етказиш, металл маҳсулотларнинг сортларини кўпайтириш ва тежамли турлари улушини ошириш белгиланган. Рангли металлургия янада ривож топади.

Химия ва нефть химияси саноатини анча ривожлантириш мўлжалланмоқда. Минерал ўғит ишлаб чиқариш 1978 йилга нисбатан 10,5 процент кўпайиб, 111 миллион тоннага етади.

Ёғочдан янада самарали фойдаланиш тадбирларини амалга ошириш мўлжалланмоқда. Целлюлоза-қоғоз саноати янада ривож топади.

Цемент ишлаб чиқаришни 130 миллион тоннага етказиш ёки 3 миллион тонна кўпайтириш белгиланди.

Машинасозлик ва металл ишлаш жадал ривожланади. Бу тармоқ маҳсулоти 8,2 процент кўпаяди. Олий сифат категориясидаги маҳсулот улуши ортади.

Металл ишлаш ускуналари ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бирга унинг структураси янада такомиллаштирилади.

1979 йилда сал кам 2,2 миллионта автомобиль ишлаб чиқариш, юк автомобилларининг ўртача юк кўтариш қобилиятини ошириш мўлжалланмоқда. КамАЗда бир йилнинг ўзида автомобиль ишлаб чиқариш 1,7 баравар кўпайиб, 70 мингтага етказилади.

Технология жараёнларини бошқаришни автоматлаштириш учун керакли машиналар ишлаб чиқаришни 1,4 баравар, электрон ҳисоблаш машиналари учун периферия ускуналар ишлаб чиқаришни 1,3 баравар кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш 4,7 процент кўпаяди. Қудратли тракторлар ишлаб чиқариш 1978 йилга нисбатан 20 процент ортади. Чорвачилик ва ем ишлаб чиқариш учун машиналар ишлаб чиқариш 5,6 процент кўпаяди.

Енгил саноат ва озиқ-овқат саноати тармоқлари учун илғор, серунум асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш анча ортади.

Планда халқ истеъмол қиладиган молларни ишлаб чиқарадиган саноат тармоқларини ривожлантиришга, шу молларнинг сифатини ошириш ва турларини кўпайтиришга катта ўрин берилган. Бу тармоқларни жадал ривожлантириш — халқ фаровонлигини оширишнинг бош шартигина бўлиб қолмай, бутун экономикамиз самарадорлигини ўстиришнинг энг муҳим омили ҳамдир.

Енгил саноат маҳсулотининг ҳажми 4,6 процент кўпаяди. Шунингдек ҳамма турдаги газламалар ишлаб чиқариш 4,7 процент ортади.

Шу билан бирга СССР Енгил саноат министрлигининг кўпгина бирлашмалари ва корхоналари маҳсулот сифатини яхшилашда сусткашлик қилаётганликларини ва аҳоли кўплаб талаб қилаётган янги моделдаги моллар ишлаб чиқаришни секинлик билан ўзлаштираётганлигини айтиш керак.

Озиқ-овқат саноати маҳсулотини ишлаб чиқариш умуман 6,3 процент кўпаяди. Хом ашёдан янада тўла-тўкис фойдаланиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш ва турларини кўпайтириш саноат ана шу тармоқларининг энг муҳим вазифаларидир.

Микробиология саноати маҳсулотини ишлаб чиқариш бир йил мобайнида 9 процентдан зиёд кўпаяди. Бу эса чорвачилик самарадорлигини оширишга қўшилган катта ҳисса бўлади.

Маданий-маиший ва рўзғор буюмлари ишлаб чиқаришни 38,6 миллиард сўм ҳажмида ёки бу йилги даражадан 8,4 процент кўп қилиб белгиланди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Қишлоқ хўжалигини интенсивлашнинг партиямиз ишлаб чиққан узоқ муддатли комплекс программасини ва КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорларини рўёбга чиқариш 1979 йилги планнинг асосий вазифаларидан биридир.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг куни кеча бўлиб ўтган Пленумидаги нутқида таъкидлаб ўтганидек, 1979 йил партия Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини амалий равишда юзага чиқаришнинг баринчи йили бўлади, бу Пленум қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ҳар томонлама, муттасил ривожлантириш ва уларнинг самарадорлигини анча оширишни, халқнинг турмуш даражасини янада юксалтиришни таъминлаш учун мамлакатни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан пишиқ-пухта таъминлашни қишлоқ хўжалигининг бош вазифаси, деб белгилаб берди.

Келгуси йилда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ҳажми бош йиллик план даражасида, яъни 1978 йилда бажарилиши кутилаётганидан 5,8 процент юқори қилиб белгиланди.

Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришни асосан интенсив омиллар ҳисобига таъминлаш мўлжалланмоқда.

Колхозчиларнинг, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий томорқа хўжалиги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим резервидир. Уларга ем моллар ва ем-хашак сотиш ерни ишлашда ва маҳсулотни сотишда кўмаклашиш йўли билан ёрдам бериш лозим.

Планда қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш кўзда тутилган. Бу тармоқни ривожлантиришга 23,5 миллиард сўм давлат капитал маблағи ажратилади, бу—беш йиллик план даражасига тенг келади.

Беш йиллик план топшириғига биноан РСФСР Ноқоратупроқ зонаси қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари комплекси кўзда тутилмоқда, бу ишга 8,2 миллиард сўм ёки 1978 йилга нисбатан 15 процент кўп капитал маблағ сарф қилинади.

Аввалги йилларда бўлгани каби қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта-катта материал ва молиявий ресурслар сарфланади. Шу боисдан ҳам бу ресурслардан ғоят самарали фойдаланиш қишлоқ хўжалик ташкилотларининг вазифасидир.

Шу билан бирга қишлоқ хўжалигида техникани, ёнилғи-мойлаш материалларини, минерал ўғитларни асраш ва улардан фойдаланишда ва шунингдек, капитал маблағлардан фойдаланишда ҳали ҳам катта-катта нуқсонлар бор.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми таъкидлаб ўтганидек, барча хўжалик бўғинларида иқтисод ва тежамкорлик учун, маҳсулот таннархини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ҳар томонлама ошириш учун сабот билан кенг миқёсда кураш олиб бориш, хўжасизлик ва исрофгарчилик ҳолларини тугатиш зарур.

ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Мамлакат халқ хўжалигининг ва аҳолисининг транспортга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш 1979 йилги планнинг энг катта вазифаларидан биридир. Ишлаб чиқариш белгиланаётган ҳажмларига ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойланишига асосланиб, ҳамма турдаги транспортнинг юк оборотини 4,9 процент кўпайтириш планлаштирилмоқда. Темир йўл транспортининг юк оборoти 2,6 процент ортади, нефтепровод, автомобиль ва денгиз транспорти илдам ривожланади.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

1979 йил планида капитал қурилишнинг катта программаси белгиланган. Давлат капитал маблағи ҳажми 116,5 миллиард сўмга етади ёки 1978 йилда бажарилиши кутилаётганидан 4,9 процент кўпаяди.

Халқ хўжалигидаги мутаносиблик даражасини ошириш вазифасига биноан ёқилғи, химия ва нефть химияси саноати, қора ва рангли металлургия, машинасозликнинг бир қанча тармоқлари, темир йўл транспорти, енгил саноат 1979 йилги капитал маблағни тармоқлар ўртасида тақсимлаганда устун йўналиш қилиб олинди. Бу тармоқларга маблағ сарфлаш капитал маблағларнинг ялпи динамикасига нисбатан анча илдам суръат билан ортади.

Келгуси йил плани янги қувватларни ишга туширишни жадаллаштиришга асосланади ва битмай қолган қурилишнинг нисбий миқдорини кескин камайтиришни белгилайди.

Капитал маблағларни жами ҳажмида асбоб-ускуналар улушини кўпайтириш планда белгиланганлиги техника билан қайта қуроллантириш ва ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш суръатларини жадаллаштириш учун шароит яратади. Бироқ, шуни қайд этиш керакки, мавжуд асосий ишлаб чиқариш фондларини такомиллаштириш ва янгилашга ҳали дуруст эътибор берилмаяпти.

Ҳамма тармоқлардаги ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини планда кўзда тутилган муддатларда ишга туширишни таъминлаш — қурувчиларнинг жуда муҳим вазифасидир. Планда қурилиш ташкилотларининг ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш кўзда тутилган.

ФАН ВА ТЕХНИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Фан ва техника тараққиётини жадаллаштириш совет экономикасини ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бу жуда муҳим проблемани ҳал этишда фан билан ишлаб чиқаришнинг иттифоқини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, илмий ва лойиҳа тўғрисидаги таклифлар сифатини ошириш ва жадаллаштириш, уларнинг натижаларини оммавий ишлаб чиқаришга тез жорий этиш катта роль ўйнайди.

Планда фан ва техниканинг энг муҳим соҳаларидаги тадқиқотларни кенгайтириш кўзда тутилган. Министрликларнинг планларини ҳисобга олиб, машиналар, асбоб-ускуналар, приборлар ва материалларнинг тўрт мингтадан зиёд янги турини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш кўзда тутилган.

Белоярск атом электр станциясида тез нейтронлар негизида ишлайдиган реакторли 600 мегаватт қувватга эга бўлган энергетика блокини фойдаланиш учун топшириш белгиланди. Бу реактор суст иссиқлик нейтронларига нисбатан ядро ёнилғисидан анча самаралироқ фойдаланиш имконини беради.

Алоқанинг ҳамма воситалари, радиоэшиттириш ва телевидение янада ривож топади. Телефон станцияларининг ҳажми 1 миллион 250 минг номер миқдорида ёки 6,8 процент кўпаяди. Шаҳарлараро линиялардаги телефон каналлари узайтирилади.

Меҳнат унумдорлигини 1,5—2,0 баравар оширишни таъминлайдиган технология жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш учун роботлар ишлаб чиқариш кенгайтирилади. Барча соҳаларда фойдаланиладиган электрон-ҳисоблаш машиналарининг қувватини янада ошириш кўзда тутилмоқда.

Маҳсулотларнинг янги турларидан фойдаланиш, илғор технологияни, механизациялаш ва автоматлаштириш воситаларини жорий этиш асосида ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини ошириш тахминан бир миллион кишини бўшатиб беришга тенг келадиган меҳнатни тежашни таъминлаш, саноат маҳсулоти таннархини камайтириш ва сал кам 400 минг кишини қўл меҳнатидан механизациялашган меҳнатга ўтказиш имконини беради.

Илмий тадқиқотларга ва фанни моддий таъминлашга қилинадиган харажатлар ҳажми ортиб сал кам 20 миллиард сўмга етади.

ХАЛҚНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ

1979 йилги планда совет халқининг фаровонлигини янада оширишга жуда муҳим ўрин берилган. Аҳоли жон бошига реал даромадларни 3,3 процент ошириш белгиланди. Ижтимоий истеъмол фондларидан аҳолига бериладиган тўлов ва имтиёзлар 4,5 миллиард сўмлик миқдорда ортиб, 110 миллиард сўмликка етади.

1979 йилда ноишлаб чиқариш тармоқларидаги ўртача ҳақ олувчи ходимларнинг ставка ва окладларини ҳамма жойда оширишни ниҳоясига етказиш белгиланди. Бу катта социал тадбир 1979 йилда 18 миллион кишининг иш ҳақини ошириш имкониятини беради, шу беш йилликда жами 31 миллион кишининг иш ҳақи оширилади. Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг моддий-маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Умумий таълим мактабларининг иккинчи ва учинчи синфлари ўқувчиларига ҳам дарсликларни бепул бериш кўзда тутилмоқда. Интернат уйлардаги инвалидлар ва қариялар таъминоти яхшиланади ҳамда бошқа баъзи бир тадбирлар ўтказилади. Давлатнинг халқ фаровонлигини оширишга қилаётган жами харажатлари беш йиллик бошланғандан бери 1979 йил ҳисобига қарийб 11 миллиард сўм бўлади. Бундан ташқари илгари чиқарилган давлат ички заёмлари облигацияларининг ҳақини тўлаш давом эттирилади.

Юқорида кўрсатилган тадбирларни ўтказишни ҳисобга олганда ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 1979 йилда 163 сўмга етади ва ёки 1,8 процент кўпаяди, колхозчиларнинг ўртача ойлик меҳнат ҳақи 116 сўмга етади ёки 5,2 процент кўпаяди.

Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар оборoти халқ истеъмол қиладиган молларнинг кўзда тутилаётган ресурсларига биноан 251 миллиард сўмлик миқдорда, яъни бу йилга нисбатан 4,8 процент ошириб белгиланди.

Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат молларнинг шу жумладан гўшт ва гўшт маҳсулотлари, мол ёғи, тухум, газлама, тикилган буюмлар ва трикотаж буюмлар, пойафзал ва бошқа молларнинг бозор фондлари кўпайтирилади. Бу эса 1979 йилда кўпгина молларнинг аҳолининг эҳтиёжини анча тўлиқ қондириш имконини беради.

Аҳолининг тўлов қобилиятига яраша эҳтиёжини янада тўла-тўкис қондириш учун товар оборoти юзасидан яна 2 миллиард сўмлик миқдорида қўшимча топшириқ кўзда тутилмоқда.

Аҳолига маиший хизматни 7,4 миллиард сўмликка етказиш ёки 7,7 процент, шу жумладан қишлоқ жойларида 10 процент кўпайтириш белгиланмоқда.

1979 йилда пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига жами саҳни 112,3 миллион квадрат метр уй-жой бинолари қурилади, бу эса 1978 йилда бажарилиши кутилаётганидан ва беш йиллик топшириғидан ортиқ бўлади. Шу туфайли 11 миллион кишининг уй-жой шароитлари яхшиланади.

(Давоми учинчи бетда).

1979 ЙИЛДА СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР, УНИНГ СУРЪАТЛАРИ ВА НИСБАТЛАРИ

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги давлат плани лойиҳаси халқ хўжалигини янада юксалтириш, халқнинг турмуш даражасини ошириш ва мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга қаратилган.

План топшириқлари экономикани ривожлантириш суръатларини оширишни, ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичларини яхшилашни ва аввало меҳнат унумдорлигини ўстириш ва моддий ресурсларни тежашни, техника тараққиётини жадаллаштиришни, халқ хўжалигининг ривожланишини мувофиқлаштириб олиб боришни яхшилашга эришишни кўзда тутади.

1979 йилда миллий даромад 4,3 процент, ёки 18 миллиард сўм ортади. Бу эса халқ турмуш даражасининг асосий кўрсаткичларини 1978 йилга нисбатан ошириш, жамғариш ҳажмини кўпайтириш имконини беради.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни 1978 йилда кутилган 5 процент ўрнига 5,7 процент, қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳажмини эса бу йилдаги 4,1 процент ўрнига 5,8 процент кўпайтириш мўлжалланди.

Партия ресурслардан фойдаланишни интенсивлаштириш, халқ меҳнати билан яратилган ҳамма нарсани бутун чоралар билан сақлаш ва ундан оқилона фойдаланиш йўлини кўрсатиб берди. Хўжалик юритишнинг ҳамма босқичларида бу йўлни оғишмай амалга ошириш — ишлаб чиқаришни юксалтириш юзасидан белгиланадиган топшириқларни муваффақиятли бажаришнинг асосий шартидир.

Меҳнат унумдорлигини саноатда 1978 йилдаги—3,6 процент ўрнига 4,7 процент, қурилишда 2,8 ўрнига 4 процент, темир йўл транспортида шу йилдаги 1,4 процент ўрнига 2,1 процент ўстиришга етказиш — 1979 йил планининг марказий вазифаларидан биридир.

Моддий ресурсларни анча тежаш кўзда тутилган. Саноатнинг ишлаб чиқариш қувватларидан тўлароқ фойдаланиш мўлжалланади.

Планда халқ хўжалигининг барча тармоқларида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини ошириш, прогрессив технологияни жорий этиш, маҳсулотнинг янги турларини ўзлаштириш юзасидан топшириқлар белгиланди.

1979 йилда пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига сарфланадиган капитал маблағ ҳажми 132 миллиард сўм, ёки шу йил кутилган даражага нисбатан 4,5 процент ортади. Бу маблағларни ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича тақсимлаш халқ хўжалигини пропорционал ривожлантириш ва фан-техника тараққиётини жадаллаштириш вазифаларига бўйсундирилган.

Биз тараққиётимизнинг техникавий ва иқтисодий проблемаларини ҳал этиш вақтида халқаро меҳнат тақсимотининг афзалликларидан, хусусан Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан иқтисодий интеграция афзалликларидан тобора кенг фойдаланамиз.

1979 йил планида экономикани ўстириш борасида кўзда тутилган юксак суръатлар ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш борасидаги топшириқлар министрликлар ва идоралардан, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларидан план топшириқларини тўла ва ошириб бажариш имконини берадиган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб этади.

САНОАТ

Саноат маҳсулотининг ҳажми 1979 йилда 1978 йилдаги 28 миллиард сўмлик ўрнига 33 миллиард сўмликдан зиёд кўпаяди; ишлаб чиқариш структурасини янада такомиллаштириш, маҳсулот сифатини ошириш мўлжалланмоқда.

Экономикамиз пойдевори — оғир саноатни муттасил, бир текисда ўстиришни таъминлаш давлат планларимизнинг ўзаги бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш («А» группа) бу йилдаги 5,3 процент ўрнига 5,8 процент кўпаяди. Техника тараққиётини белгилаб берувчи тармоқлар—машинасозлик, химия ва нефть химияси саноатининг салмоғи ортади.

Аҳолининг тўлов қобилиятига яраша талабини товар ресурслари билан яхшироқ қондириш мақсадида «Б» группа саноатининг ўсиш суръатларини анча ошириб, бу йилги 4 процент ўрнига 1979 йилда 5,4 процентга етказиш кўзда тутилмоқда.

Планда ёқилғи энергетика комплексини ривожлантиришга катта эътибор берилган. Электр энергия ишлаб чиқариш 1265 миллиард киловатт-соатга етади ва 1978 йилга нисбатан 4,8 процент кўпаяди. Шу билан бирга атом электр станцияларида электр энергия ҳосил қилиш 21 процент ўсади.

Нефть ва газ конденсати қазиб олиш 593 миллион тонна, яъни бу йилга нисбатан 20,5 миллион тонна кўп қилиб, газ қазиб олиш эса 404 миллиард кубометр ёки 30 миллиард кубометр кўп қилиб планлаштирилмоқда. Шунингдек 10 минг километрдан ортиқ нефть ва газ қувурларини қуриб, ишга туширишни ҳам эзгу.

752 миллион тонна ёки бу йилгидан 23 миллион тонна кўп кўмир қазиб чиқариш белгиланди.

Доклад қисқартириб босилмоқда.

ТЎҚҚИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИ

СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1979 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҲАҚИДА ВА СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1978 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

(Боши иккинчи бетда).

Планда халқ маорифини, таълимни, маданиятни янада ривожлантириш белгиланган. Давлатнинг мактабгача ёшдаги болалар муассасаларида тарбияланувчилар йил охирига бориб 13,2 миллион киши кўпаяди, бу эса беш йиллик планнинг 1979 йил учун белгиланган топшириғидан бироз юқори бўлади. Давлат капитал маблағи ҳисобига мактабгача ёшдаги болалар учун 506 минг ўринли муассаса, 1,1 миллион ўринли умумий таълим мактаби қуриш мўлжалланмоқда, буларнинг ярмидан кўпроғи қишлоқ жойларда қурилади.

1979 йилда олий ўқув юртларига ва техникумларга 2,5 миллион киши қабул қилинади, олий ва ўрта махсус маълумотли 2 миллиондан ортиқ мутахассис халқ хўжалигига юборилади. Ҳунар-техника билим юртларига 2,5 миллион кишини қабул қилиш мўлжалланмоқда, ана шу билим юртлари 2,3 миллион малакали ишчи чиқаради.

Соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғини кенгайтириш ва аҳолига медицина хизматини яхшилаш планлаштирилмоқда. Медицина саноати янада ривож топади.

ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ

1979 йилда мамлакатда табиатни, шу жумладан ҳаво ҳавзасини, сув ресурсларини, ерни, ўрмонларни муҳофаза қилиш, балиқ запасларини урчитиб кўпайтириш, ер ости бойликларини сақлаш ва минерал ресурслардан оқилона фойдаланиш тадбирларининг катта комплекси амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш эҳтиёжларининг сув истеъмол қилиш улушини қисқартириш, ҳар кеча-кундузда 6,6 миллион куб метр ювинди сувни тозалаб бера оладиган иншоотларни, ҳар кеча-кундузда 23 миллион куб метрга яқин сувдан қайта фойдаланишни таъминлай оладиган айланма сув таъминоти системасини ишга тушириш, ифлос ювинди сувларни оқизиб юборишни камайтириш мўлжалланмоқда.

Доимий ифлослатиш манбаларидан чиқадиган газдаги зарарли моддаларни тутиб қолиш миқдори кўпайтирилади.

Ерларни сув ва шамол таъсирида нурашдан сақлаш комплекс ишларини бу йилга нисбатан кўпроқ ҳажмда ўтказиш планлаштирилмоқда.

ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ПЛАНЛАРИ

1979 йилги планда барча иттифоқдош республикаларнинг экономикаси ва маданиятини янада юксалтириш, уларнинг хўжалигини ихтисослаштириш ва комплекс ривожлантириш кўзда тутилмоқда, бу тадбирлар Совет Иттифоқи халқларининг тенглиги, қардошлиги, бузилмас бирлигини янада кўпроқ мустаҳкамлашга кўмаклашади.

РСФСРда 1979 йилда атом энергетикаси, газ саноати, машинасозлик, химия ва озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг юксак суръатлари белгиланмоқда. Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш анча кўпаяди.

Сибирь ва Узоқ Шарқ районларида электр энергетика, нефть, газ, кўмир, целлюлоза-қоғоз, балиқ саноати ва бинокорлик материаллари саноатини жадал ривожлантириш давом эттирилади. Шу районларда саноат маҳсулоти ҳажми умуман РСФСРда бўлганидан кўра, юқорироқ ҳажмда кўпайтирилади.

Украина ССРда электр энергетика, химия, микробиология саноати ва машинасозлик, айниқса, станоксозлик, приборсозлик, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, енгил ва озиқ-овқат саноати учун машина-ускуналар ишлаб чиқариш илдам суръатлар билан ривожланади. Қора металлургия янада ривож топади. Шойи газлама, нотўқима материаллар, ўсимлик ёғи ва самолёт ишлаб чиқариш кўпаяди.

Белоруссия ССРда ишлаб чиқаришни химия ва нефть химияси саноатида, машинасозликда, металл ишлашда ва гўшт, сут саноатида энг кўп миқдорда ўстириш мўлжалланмоқда.

Қозоғистон ССРда нефть химияси, химия, кўмир, озиқ-овқат саноатини ва қишлоқ хўжалик машинасозлигини юқори суръатлар билан ривожлантириш планлаштирилмоқда. Енгил саноат ва озиқ-овқат саноати корхоналарини қуриш мўлжалланмоқда.

Молдавия ССРда озиқ-овқат саноати махсулотини, чорвачилик учун ва ем ишлаб чиқариш учун машинасозлик маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажмини анча кўпайтириш белгилаб қўйилди.

Балтика бўйи республикаларида машинасозликнинг кам металл ишлатиладиган тармоқлари, шунингдек, енгил ва озиқ-овқат саноати, маҳаллий саноат илдам суръатлар билан ривожланади.

Закавказье республикаларида электр энергетика, рангли металлургия, машинасозликнинг бир қанча тармоқлари, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати янада ривож топади.

Ўрта Осиё республикаларида электр энергетика, рангли металлургия, химия ва енгил саноат, машинасозлик ва металл ишлаш юксак суръатлар билан ривожланади.

Барча республикаларда қишлоқ хўжалиги тармоқларини уларнинг табиий иқлим шароитларига ҳамда умуминтиҳоқ меҳнат тақсимотидаги ихтисослашувига мувофиқ равишда ривожлантирилади. Аграр саноат комплексларини тузиш, хўжаликлараро кооперацияни ривожлантириш соҳасида ҳамда иттифоқдош республикаларда қишлоқ хўжалигининг моддий техника базасини янада мустаҳкамлаш соҳасида катта иш қилиниши лозим.

Уй-жой, коммунал ва маданий-маиший қурилиш катта миқёсда амалга оширилади.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

Совет Иттифоқининг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантириш муҳим иқтисодий ва социал вазифаларни ҳал этишга, СССРнинг жаҳон социализм системаси бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашга қўшадиган ҳиссасини кўпайтиришга, ривожланаётган давлатларнинг мустақиллигини ва тинч-тотув яшаш сиёсатининг иқтисодий негизларини мустаҳкамлашга қаратилади.

1979 йилда Совет Иттифоқининг ташқи савдосида социалистик мамлакатлар ва аввало Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар Совет Иттифоқининг ташқи савдосида аввалгидек асосий ўрин олади. Бу мамлакатлар билан ҳамкорлик социалистик иқтисодий интеграция жараёнларини кенг ривожлантириш негизига қурилади. Совет Иттифоқининг ташқи савдосида социалистик давлатларнинг салмоғи 61 процентни ташкил қилади.

1979 йилда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаш экономиканинг энг муҳим тармоқларида янада ривож топади.

Капиталистик мамлакатлардан Совет Иттифоқига химия саноати, қора ва рангли металлургия, ҳамда халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари қурилишлари учун асбоб-ускуналар ва материаллар 1979 йилда компенсация асосида етказиб берилади. Бунинг эвазига СССР газ, карбамид, аммиак, ёғоч ва бошқа моллар юборади.

Совет Иттифоқи 1979 йилда социалистик мамлакатлар ва ривожланаётган мамлакатларнинг йиллик экономикасини ривожлантиришда уларга техникавий ва иқтисодий кўмак беришни давом эттиради.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки. Совет Иттифоқининг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантириш учун машина ва асбоб-ускуналар экспорт қилишни кўпайтириш тобора муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Аммо уларни экспорт қилиш ҳозирча совет машинасозлигининг потенциал имкониятларига нисбатан етарли эмас.

Биз чет эллардан сотиб олаётган машина-ускуналар янада қисқа муддатларда ишга туширилиши муҳим вазифадир, шу йўл билан бу мақсад учун сарфланган маблағнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш мумкин бўлади.

Пировардида докладчи бундай деди:

Мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг муҳокамангизга тақдим этилган 1979 йилги Давлат плани партия XXV съезди қарорларини, ўнинчи беш йиллик топшириқларини амалга оширишнинг муҳим бўғини бўлади. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг Пленумида сўзлаган ўз нутқида бундай деб уқтирди: «СССР Олий Советининг сессиясидан кейин ресурсларни тақсимлаш, у ёки бу топшириқларнинг ҳажми тўғрисидаги бахслашувлар даври тугайди. Лойиҳа план бўлиб қолади. План қонунга айланади. Ана шунда бутун ишнинг — оммавий-сиёсий ишларнинг ҳам, ташкилий ишларнинг ҳам оғирлик маркази бошқа соҳага: планни тўла ва ошириб бажариш учун нима қилиш керак, деган соҳага кўчади».

Планнинг бажарилиши ва ошириб бажарилиши совет халқининг фаровонлигини янада юксалтириш манфаатларини кўзлаб ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, мамлакатнинг иқтисодий потенциалидан оқилона фойдаланиш, фан-техника тараққиётини бутун чоралар билан жадаллаштириш ва ишлаб чиқаришни интенсивлаш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, тежамкорлик режимини кучайтириш юзасидан барча министрликлар, идоралар, иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг катта куч-гайрат сарфлашини талаб қилади. Авж олаётган социалистик мусобақа, ишлаб чиқилаётган тиғиз планлар, ғоят юксак даражадаги уюшқоқлик, ҳамма соҳадаги, хўжалик ишининг барча участкаларидаги тартиб ва интизом ҳам ана шунга кўмаклашиши лозим.

Коммунистик партия раҳбарлигида совет халқининг фидокорона меҳнати коммунистик қурилиш режаларини муваффақиятли амалга ошириш йўлида янги ажойиб самаралар беришига шак-шубҳа йўқ. **(Қарсаклар).**

(ТАСС).

СССРНИНГ 1979 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ҲАҚИДА ВА СССРНИНГ 1977 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДА

СССР молия министри депутат В. Ф. ГАРБУЗОВ доклади

СССР Министрлар Совети СССРнинг 1979 йилги, ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йили Давлат бюджетини СССР Олий Советининг муҳокамаси ва тасдиғига тақдим этади. Халқ хўжалигининг барча тармоқларини янада ривожлантириш, халқ фаровонлигини ошириш, Совет Иттифоқининг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш юзасидан Коммунистик партия ишлаб чиққан планлар бюджетда мужассамлаштирилди.

Совет халқи беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида иқтисодий ва социал ривожланишнинг КПСС XXV съезди қабул қилган программасини амалга оширишда жуда катта муваффақиятларга эришди. Мамлакатимиз ҳақли равишда фахрланаётган бу муваффақиятлар замонамизнинг атоқли партия ва давлат арбоби, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида беш йилликнинг ўтган даврида совет халқининг фидокорона меҳнати натижаларини чуқур анализ қилинди ва ижодий тарзда умумлаштирилди, принципиал сиёсий хулосалар чиқарилди. Ишлаб чиқаришни ўстириш ва аҳолининг даромадларини ошириш натижасида мол сотиш анча ўсди, уларнинг хиллари кўпайди ва сифати ошди. Беш йилликнинг уч йили мобайнида чакана товар оборотининг таҳминан олтидан бир қисмидан ортиқ қисмидаги нархларда 13,5 процент кўпайди.

Уй-жой қурилиши тез суръатлар билан ўсмоқда. Беш йилликнинг уч йили мобайнида 32 миллионга яқин киши уй-жой шароитини яхшилаб олди.

Халқ маорифи, маданият, санъат тобора ривожланди, аҳолига медицина хизмати яхшиланмоқда, пенсия ва нафақа учун давлат социал страхование бюджетидан тўланадиган харажатлар кўпайди. Шу мақсадда сарфланаётган ижтимоий истеъмол фондларининг умумий суммаси 1976—1978 йилларда 17,1 процент кўпайди ва 300 миллиард сўмдан ортиқ маблағни ташкил этди.

Ижтимоий ишлаб чиқариш ва миллий даромадни ўстириш асосида СССРнинг 1978 йилги Давлат бюджети даромадлар бўйича 101,8 процент ва харажатлар бўйича 101,1 процент бажарилади.

КПСС Марказий Комитетининг СССР Олий Совети сессияси арафасида бўлиб ўтган Пленуми СССРни иқтисодий ва социал ривожланишга салмоқли ҳисса қўшди.

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорлари меҳнат ғайратини янада ошириб юборди. Қишлоқ хўжалигида колхозчиларнинг ва совхоз ходимларининг фидокорона меҳнати, шаҳар меҳнаткашларининг ёрдами, партиянинг кенг кўламдаги ташкилотчилик ва сиёсий иши натижасида ажойиб муваффақиятларга эришилди. 1978 йилда 235 миллион тонна рекордли дон ҳосили олинди. Ўнинчи беш йиллик давида пахта, қанд лавлаги ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан ҳам мўл ҳосил олинди, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш кўпайди.

Совет халқининг фаровонлигини янада юксалтириш юзасидан КПССнинг XXV съезди белгилаб берган программа амалга оширилмоқда. Беш йилликнинг уч йили мобайнида аҳоли жон бошига реал даромадлар 10,5 процент кўпайди. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишчи ва хизматчилар иш ҳақи минимумини ошириш тугалланди, мамлакатнинг кўп районларида ноишлаб чиқариш тармоқларида ўртача ҳақ тўланадиган ходимлар категорияларининг ставка ва окладлари кўпайтирилди.

Ишлаб чиқаришни ўстириш ва аҳолининг даромадларини ошириш натижасида мол сотиш анча ўсди, уларнинг хиллари кўпайди ва сифати ошди. Беш йилликнинг уч йили мобайнида чакана товар обороти таҳминан олтидан бир қисмидан ортиқ қисмидаги нархларда 13,5 процент кўпайди.

Уй-жой қурилиши тез суръатлар билан ўсмоқда. Беш йилликнинг уч йили мобайнида 32 миллионга яқин киши уй-жой шароитини яхшилаб олди.

Халқ маорифи, маданият, санъат тобора ривожланди, аҳолига медицина хизмати яхшиланмоқда, пенсия ва нафақа учун давлат социал страхование бюджетидан тўланадиган харажатлар кўпайди. Шу мақсадда сарфланаётган ижтимоий истеъмол фондларининг умумий суммаси 1976—1978 йилларда 17,1 процент кўпайди ва 300 миллиард сўмдан ортиқ маблағни ташкил этди.

Ижтимоий ишлаб чиқариш ва миллий даромадни ўстириш асосида СССРнинг 1978 йилги Давлат бюджети даромадлар бўйича 101,8 процент ва харажатлар бўйича 101,1 процент бажарилади.

КПСС Марказий Комитетининг СССР Олий Совети сессияси арафасида бўлиб ўтган Пленуми СССРни иқтисодий ва социал ривожланишга салмоқли ҳисса қўшди.

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорлари меҳнат ғайратини янада ошириб юборди. Қишлоқ хўжалигида колхозчиларнинг ва совхоз ходимларининг фидокорона меҳнати, шаҳар меҳнаткашларининг ёрдами, партиянинг кенг кўламдаги ташкилотчилик ва сиёсий иши натижасида ажойиб муваффақиятларга эришилди. 1978 йилда 235 миллион тонна рекордли дон ҳосили олинди. Ўнинчи беш йиллик давида пахта, қанд лавлаги ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан ҳам мўл ҳосил олинди, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш кўпайди.

Совет халқининг фаровонлигини янада юксалтириш юзасидан КПССнинг XXV съезди қабул қилган программа амалга оширилмоқда. Беш йилликнинг уч йили мобайнида аҳоли жон бошига реал даромадлар 10,5 процент кўпайди. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишчи ва хизматчилар иш ҳақи минимумини ошириш тугалланди, мамлакатнинг кўп районларида ноишлаб чиқариш тармоқларида ўртача ҳақ тўланадиган ходимлар категорияларининг ставка ва окладлари кўпайтирилди.

Ишлаб чиқаришни ўстириш ва аҳолининг даромадларини ошириш натижасида мол сотиш анча ўсди, уларнинг хиллари кўпайди ва сифати ошди. Беш йилликнинг уч йили мобайнида чакана товар обороти таҳминан олтидан бир қисмидан ортиқ қисмидаги нархларда 13,5 процент кўпайди.

Уй-жой қурилиши тез суръатлар билан ўсмоқда. Беш йилликнинг уч йили мобайнида 32 миллионга яқин киши уй-жой шароитини яхшилаб олди.

Халқ маорифи, маданият, санъат тобора ривожланди, аҳолига медицина хизмати яхшиланмоқда, пенсия ва нафақа учун давлат социал страхование бюджетидан тўланадиган харажатлар кўпайди. Шу мақсадда сарфланаётган ижтимоий истеъмол фондларининг умумий суммаси 1976—1978 йилларда 17,1 процент кўпайди ва 300 миллиард сўмдан ортиқ маблағни ташкил этди.

Ижтимоий ишлаб чиқариш ва миллий даромадни ўстириш асосида СССРнинг 1978 йилги Давлат бюджети даромадлар бўйича 101,8 процент ва харажатлар бўйича 101,1 процент бажарилади.

КПСС Марказий Комитетининг СССР Олий Совети сессияси арафасида бўлиб ўтган Пленуми СССРни иқтисодий ва социал ривожланишга салмоқли ҳисса қўшди.

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорлари меҳнат ғайратини янада ошириб юборди. Қишлоқ хўжалигида колхозчиларнинг ва совхоз ходимларининг фидокорона меҳнати, шаҳар меҳнаткашларининг ёрдами, партиянинг кенг кўламдаги ташкилотчилик ва сиёсий иши натижасида ажойиб муваффақиятларга эришилди. 1978 йилда 235 миллион тонна рекордли дон ҳосили олинди. Ўнинчи беш йиллик давида пахта, қанд лавлаги ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан ҳам мўл ҳосил олинди, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш кўпайди.

Совет халқининг фаровонлигини янада юксалтириш юзасидан КПССнинг XXV съезди қабул қилган программа амалга оширилмоқда. Беш йилликнинг уч йили мобайнида аҳоли жон бошига реал даромадлар 10,5 процент кўпайди. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишчи ва хизматчилар иш ҳақи минимумини ошириш тугалланди, мамлакатнинг кўп районларида ноишлаб чиқариш тармоқларида ўртача ҳақ тўланадиган ходимлар категорияларининг ставка ва окладлари кўпайтирилди.

Ишлаб чиқаришни ўстириш ва аҳолининг даромадларини ошириш натижасида мол сотиш анча ўсди, уларнинг хиллари кўпайди ва сифати ошди. Беш йилликнинг уч йили мобайнида чакана товар обороти таҳминан олтидан бир қисмидан ортиқ қисмидаги нархларда 13,5 процент кўпайди.

Уй-жой қурилиши тез суръатлар билан ўсмоқда. Беш йилликнинг уч йили мобайнида 32 миллионга яқин киши уй-жой шароитини яхшилаб олди.

Халқ маорифи, маданият, санъат тобора ривожланди, аҳолига медицина хизмати яхшиланмоқда, пенсия ва нафақа учун давлат социал страхование бюджетидан тўланадиган харажатлар кўпайди. Шу мақсадда сарфланаётган ижтимоий истеъмол фондларининг умумий суммаси 1976—1978 йилларда 17,1 процент кўпайди ва 300 миллиард сўмдан ортиқ маблағни ташкил этди.

Ижтимоий ишлаб чиқариш ва миллий даромадни ўстириш асосида СССРнинг 1978 йилги Давлат бюджети даромадлар бўйича 101,8 процент ва харажатлар бўйича 101,1 процент бажарилади.

КПСС Марказий Комитетининг СССР Олий Совети сессияси арафасида бўлиб ўтган Пленуми СССРни иқтисодий ва социал ривожланишга салмоқли ҳисса қўшди.

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорлари меҳнат ғайратини янада ошириб юборди. Қишлоқ хўжалигида колхозчиларнинг ва совхоз ходимларининг фидокорона меҳнати, шаҳар меҳнаткашларининг ёрдами, партиянинг кенг кўламдаги ташки-

---

Доклад қисқартириб босилмоқда.

йўл-йўриқлар ва СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ўнинчи беш йиллик планини муваффақиятли бажариш соҳасидаги асосий вазифалар белгиланди.

СССРнинг 1979 йилги Давлат бюджети ўнинчи беш йилликда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг КПСС XXV съезди қабул қилган Асосий йўналишлари ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорлари асосан ишлаб чиқилди. Бюджет СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги плани лойиҳасига мувофиқ тузилди ва мамлакат экономикасини янада ўстириш, халқ турмушнинг моддий ва маданий даражасини юксалтириш, давлатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш зарур маблағлар билан таъминлайди.

1979 йилда Давлат бюджетининг даромадлари 269,1 миллиард сўм ва харажатлари 268,8 миллиард сўм миқдорида кўзда тутилган. Даромадлар харажатлардан 280 миллион сўм ортиқдир.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини янада ошириш, хўжаликдаги ички резервлардан тўлароқ фойдаланиш, материал, меҳнат ва молия ресурсларини тежашга қаттиқ риоя қилиш юзасидан Коммунистик партия томонидан қўйилган вазифаларни амалга ошириш тадбирлари бюджетда ўз ифодасини топди, деди докладчи.

Бюджетнинг даромадлари ижтимоий ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини ошириш ва унинг таннархини камайтириш юзасидан планда кўзда тутилган топшириқларга мувофиқ белгиланди.

1979 йилда халқ хўжалиги олидаги бутун фойда 122,3 миллиард сўм миқдорида белгиланди. Бу — шу йилдагидан 9,5 процент ортиқдир. Фойданинг талайгина қисми, 50 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ Давлат планига мувофиқ ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, ходимларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш учун фойдаланиш мақсадида корхоналар ва бирлашмалар ихтиёрида қолдирилади. Барча манбалар ҳисобига иқтисодий рағбатлантириш фондларига ажратиб бериладиган маблағлар 28,9 миллиард сўмни ташкил этади ва шу йилдагига нисбатан 6,4 процент кўпаяди.

Келгуси йилда оборотдан олинадиган солиқ план топшириқларига ва ишлаб чиқаришнинг структурасида ҳамда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг ассортиментида мўлжалланган ўзгаришларга мувофиқ белгиланди; оборотдан олинадиган солиқ шу йил ичида ижроси кутилганига нисбатан таққослаб олинган шартларда 3,9 процент ортади.

КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленумининг қарорларига мувофиқ, даромад солиғи бўйича колхозларга қўшимча имтиёзлар белгиланди. 1979 йилда ана шу имтиёзларни, шунингдек қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришнинг мўлжалланган ҳажмини ва колхозларнинг даромадларини ҳисобга олиб, колхозлардан олинадиган даромад солиғи 699 миллион сўм миқдорида белгиланди.

Аҳолидан олинадиган солиқлар планда кўзда тутилган иш ҳақи фонди ва амалдаги ставкаларга мувофиқ 22,8 миллиард сўм миқдорида белгиланди. 1979 йилда Давлат бюджетидан қилинадиган қаражатлар 5,1 процент ортади.

СССРнинг 1979 йилги Давлат бюджети совет халқининг фаровонлигини ошириш, саноатни, қишлоқ хўжалигини ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини энг янги техника билан тобора кўпроқ таъминлашга қаратилган бир қанча янги тадбирларни амалга оширишни зарур ресурслар билан таъминлайди.

КПСС XXV съездининг қарорларига мувофиқ, 1979 йилда халқ турмушини янада яхшилаш тадбирлари кўзда тутилади. Мамлакатнинг ҳамма районларида ноишлаб чиқариш соҳасида ўртача ҳақ тўланадиган ходимларнинг ставка ва окладларини ошириш тугалланади; Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг моддий-маиший шароитларини янада яхшилаш чоралари кўрилди ва бошқа бир қанча тадбирлар амалга оширилди.

Аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун беш йиллик бошидан буён давлат томонидан қилинаётган харажатлар 1979 йил ҳисобида салкам 11 миллиард сўмни ташкил этади. Бундан ташқари, илғари аҳоли ва колхозлар ўртасида тарқатилган давлат ички заёмлари облигацияларининг ҳақини тўлаш давом эттирилади.

1979 йилда ижтимоий истеъмол фондлари 110 миллиард сўмга етади, шу йилдагидан 4,3 процент ортади. Бу эса соғлиқни сақлаш, халқ маорифи ва маданият муассасаларининг аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини ошириш имкониятини тутгиради.

Фанни ривожлантириш учун 19,9 миллиард сўм ажратиб берилади. Бу шу йили ажратиб берилган маблағ миқдоридан 3,4 процент ортиқдир. Бу эса фаннинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, илмий тадқиқот ишларини кенг ривожлантириш, олимларнинг самарали фаолияти ва илмий тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш учун шарт-шароитлар вужудга келтириш имконини беради.

Бюджетдан ва хўжаликларнинг ўз маблағлари ҳамда банк кредитлари ҳисобига халқ хўжалигига ажратиб бериладиган маблағ — 280,3 миллиард сўм бўлади, ёки шу йилдаги қаражатлардан 9,7 процент ошиб кетади. Ажратиб бериладиган ресурслар техника тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамиятга молик бўлган саноат тармоқларини тез ривожлантириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни янада юксалтириш соҳасидаги тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлайди.

Келгуси йил бюджетида Совет Иттифоқининг қардош социалистик давлатлар билан хар томонлама иқтисодий муносабатларини ривожлантириш чоралари ҳисобга олинган. Энергия, ёқилғи ва хом ашё, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳасидаги энг йирик халқ хўжалик проблемаларини биргаликда ҳал этишга қаратилган узоқ муддатли тармоқ программаларини амалга ошириш — бу ҳамкорликнинг янги босқичи бўлади.

Ривожланаётган мамлакатлар билан барқарор ва ўзаро манфаатли алоқалар янада кенгайтирилади. Бу эса уларнинг миллий экономикасини ва иқтисодий мустақиллигини ўстиришга ёрдам беради. Саноати ривожланган капиталистик давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорлик давом эттирилади.

Иқтисодий ва социал ривожланишнинг 1979 йил плани ва бюджети топшириқларида кўзда тутилган кенг программаси, деди докладчи, социалистик хўжалик системасининг шубҳасиз афзалликларини ёрқин кўрсатиб беради, совет кишиларини мамлакатнинг иқтисодий потенциалини кучайтириш, халқнинг турмуш даражасини янада ошириш, бутун жаҳонда тинчликни мустаҳкамлаш йўлида янги меҳнат жасоратига илҳомлантиради.

Мамлакатимизнинг саноати жадал ва барқарор суръатлар билан ривожланмоқда. Беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида асосий ишлаб чиқариш фондлари анча ўсди ва янгиланди, саноатнинг техникавий даражаси юксалди. Реализация қилинаётган маҳсулотнинг ҳажми ва пул жамғармалари кўпайди.

Саноат ходимлари 1979 йилда КПСС XXV съезди-нинг қарорларига амал қилиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш ва маҳсулотнинг сифатини яхшилаш учун янада зўр ғайрат ва собитқадамлик билан кураш олиб боришлари лозим. Келгуси йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 5,7 баравар ортади.

Саноатга бюджетдан, корхоналар ва хўжалик ташкилотларининг ўз маблағлари, шунингдек банкларнинг кредитлари ҳисобига ажратиб бериладиган маблағ 146,8 миллиард сўмни ташкил этади ёки шу йилдагидан 8,9 процент ортиқ бўлади.

Бутун халқ хўжалигини ривожлантириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган оғир саноатга ва аввало ёқилғи-энергетика тармоқларига, қора, рангли металлургия ва нефть химияси саноатига, машинасозликка ва фан-техника тараққиётини жадаллаштириш бошқа тармоқларга сарфланадиган маблағ орта боради.

Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг ассортиментини кенгайтириш ва сифатини ошириш — асосий халқ хўжалик вазифаларидан биридир. 1979 йилда енгил саноат, озиқ-овқат саноати, гўшт-сут, балиқ саноати ва маҳаллий саноатга, шунингдек маиший хизмат кўрсатишга сарфланадиган маблағ анча кўпайтирилади. Бир йил ичида ана шу соҳаларни маблағ билан таъминлашнинг умумий ҳажми 18,6 процент ортади ва 26,6 миллиард сўмни ташкил этади. Бу эса аҳоли учун моллар ишлаб чиқариш суръатларини кучайтириш ва аҳолининг ўсиб бораётган талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондириш имконини беради.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети яқинда «Болалар учун моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг сифатини ошириш ва шу моллар билан савдо қилишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Бу қарор Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг аҳолига керакли моллар ишлаб чиқаришни кенгайтириш тўғрисида ғамхўрлик қилаётганлигининг яна далилидир. Бюджетда бунинг учун зарур бўлган молиявий ресурслар кўзда тутилган.

Докладчи яна қуйидагиларни айтди: меҳнат унумдорлигини муттасил ўстириш — саноат ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, пул жамғармаларини ва бюджет даромадларини кўпайтириш учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Иқтисодий ва социал ривожланиш планига мувофиқ, келгуси йилда саноатда меҳнат унумдорлиги 4,7 процент ортиши керак. Бу эса саноат маҳсулоти ўсишининг 80 процентдан кўпроғини ва жамғармаларни кўпайтиришнинг талайгина қисмини таъминлайди. Илғор корхоналар механизациялаш ва автоматлаштириш, ишлаб чиқаришни яхши ташкил этиш, қўл меҳнати ўрнига машиналарни ишлатиш йўли билан меҳнат унумдорлигини мунтазам суратда оширишга муваффақ бўлмоқдалар.

Шчекин методи, кўп станокчилар ҳаракати ва меҳнатни ташкил этишнинг бошқа прогрессив формалари тобора кенг ривожланмоқда. Уларни кенг жорий этиш меҳнат унумдорлигини тез суръатлар билан ўстиришни таъминлаб, ишлаб чиқаришнинг бошқа участкалари учун ишчиларнинг бир қисмини бўшатиб бериш имкониятини туғдиради. Аммо барча корхоналар ҳам меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга лозим даражада эътибор бермоқдалар, деб бўлмайди. Текшириш натижалари СССР Йўл қурилиш машинасозлиги министрлиги ва Бинокорлик материаллари саноати министрлиги корхоналарида бу соҳада жиддий камчиликлар борлигини кўрсатди.

Корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш, уларни ҳозирги замон фан ва техникаси ютуқларига асосланган янги машиналар ва ускуналар билан таъминлаш — меҳнат унумдорлигини оширишнинг энг муҳим манбаидир. Келгуси йилда мамлакатнинг ҳалқ хўжалигига давлат капитал маблағлари ҳисобига корхоналарни реконструкция қилиш ва қуриш учун зарур бўлган машина ҳамда ускуналар етказиб берилади. Бунинг учун салкам 43 миллиард сўм ажратилади. Бу эса корхоналарни янги техника билан таъминлашни янада юксак даражага кўтариш имконини беради.

Ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини ошириш бошқа тармоқларда ишлаш учун бир миллионга яқин кишини бўшатиш, қариб 400 минг кишини қўл меҳнатидан механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган меҳнатга кўчириш имкониятини туғдиради.

Янгидан ишга туширилаётган ва ишлаб турган асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш — экономикани ривожлантириш учун катта аҳамиятга эгадир. Кўп корхоналар бу вазифани муваффақиятли ҳал этмоқдалар, лойиҳаларда белгиланган қувватларни қисқа муддатда ва ҳатто муддатидан илгари тўлиқ ўзлаштиришга эришмоқдалар.

Айни вақтда, деди докладчи, илғор корхоналар билан бир қаторда ўзлаштиришнинг норматив муддатларига риоя қилмаётган, фондлардан олинадиган самарани қамайиб кетишига йўл қўяётган корхоналар ҳам бор. Бунинг натижасида халқ хўжалиги талайгина миқдорда зарур маҳсулотларни ололмай қолади.

КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил декабрь Пленуми партияни, хўжалик кадрларини, барча меҳнаткашларни мамлакатимиз эга бўлган ҳамма нарсалардан, халқ хўжалиги ишлаб чиқараётган нарсалардан тежамкорлик билан оқилона фойдаланишга даъват этди. Экономиканинг самарадорлигини ошириш, ижтимоий ишлаб чиқаришни ва миллий даромадни кўпайтириш шу вазифанинг муваффақиятли бажарилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шу сабабли хом ашё ва материалларнинг, электроэнергия ва ёқилғининг ҳар қандай тарзда нобуд қилинишига қарши қатъий кураш олиб бориш, улардан фойдаланишда тежамкорликка қатъий риоя қилиш, замонавий техника ва технологияни ишлаб чиқаришга тобора кенг жорий қилиш зарур.

КПССнинг XXV съездида кўрсатиб ўтилганидек, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш меҳнатни ва моддий ресурсларни тежаб-тергаб сарф қилиш имконини беради. Кўпгина корхоналар бу соҳада анча иш қилдилар. Ҳозирги вақтда саноатда беш йиллик бошидагига нисбатан икки баравардан зиёд маҳсулот Давлат сифат белгиси билан ишлаб чиқарилмоқда.

План лойиҳасида саноат маҳсулоти таннархини

ТЎҚҚИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИ

СССРНИНГ 1979 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ҲАҚИДА ВА СССРНИНГ 1977 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДА

(Боши учинчи бетда).

Докладчи меҳнаткашларнинг иқтисодий таълими, планлаштиришни яхшилаш ҳамда хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш масалаларига батафсил тўхталди.

Коммунистик партия, деди сўнгра докладчи, қишлоқ хўжалигини юксалтиришни жуда муҳим умумдавлат ва умумхалқ вазифаси деб билиб, уни ривожлантиришга доимо эътибор бериб келмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленуми ўтказилиб, партиянинг ленинча аграр сиёсати ривожидаги янги босқичга асос солинган пайтдан бери мамлакат қишлоқ хўжалиги иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан олга томон катта қадамлар қўйди.

Ўтган йиллар мобайнида эришилган муваффақиятлар партиянинг қишлоқ хўжалигини юксалтириш ва уни экономиканинг юксак даражада ривожланган секторига айлантириш йўли ҳаётийлиги ва тўғрилигини жуда равшан тасдиқлаб турибди.

КПСС Марказий Комитетининг шу йил июлида бўлиб ўтган Пленуми қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилади ҳамда қишлоқ хўжалик экинлари ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш юзасидан ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этиш йўлларини кўрсатди. КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми ўртага қўйган бош вазифа унинг ҳамма тармоқларини ҳар томонлама, узлуксиз ривожлантиришга эришишдан, мамлакатни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан пухта равишда таъминлашдан иборат.

Бюджетдан, совхозларнинг ўз маблағлари, шунингдек банк кредити ҳисобига 1979 йилда қишлоқ хўжалигига 47,5 миллиард сўм сарфланади, шундан 23,5 миллиард сўми давлат капитал маблағи бўлади. Бундан ташқари колхозлар ўз маблағи ва СССР Давлат банкининг кредити ҳисобига 11,3 миллиард сўм капитал маблағ ажратади.

Шу ресурслар саноат негизида чорвачилик маҳсулоти етиштирадиган комплекслар, паррандачилик фабрикалари, фермалар ҳамда бошқа ишлаб чиқариш объектлари қуриш, қишлоқ хўжалигига серунум техника — комбайнлар, автомашиналар, тракторлар, шунингдек минерал ўғитни етказиб беришни кўпайтириш имконини беради. Ерларни мелиорациялаш янада ривожлантирилади.

План ва бюджетда РСФСР Ноқоратупроқ зонаси қишлоқ хўжалигини ўзгартириш соҳасидаги тадбирларга катта ўрин берилган. Ноқоратупроқ зонани ривожлантириш соҳасидаги капитал ишлар ва бошқа чиқимлар учун 1979 йилда 8,7 миллиард сўм берилади. Бу эса ана шу беподён ўлкани янада юксалтиришга, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга, қишлоқ меҳнатчиларининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга ёрдам беради.

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорларига биноан, колхозлар, совхозлар ва бошқа хўжаликларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни ва давлатга сотишни кўпайтиришдан моддий манфаатдорлигини ошириш, уларнинг экономикаси ва молиявий аҳволини мустаҳкамлаш учун 1979 йил 1 январидан бошлаб сут, жун, қоракўл, қўй ва эчки гўшти, картошка ва айрим турдаги сабзавотнинг харид нархларини ошириш кўзда тутилди. Келгуси йил бюджетида шу мақсадга 3,2 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилмоқда. Харид нархларини ошириш чакана нархларни ўзгартирмай ўтказилади.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорига биноан 1979 йилдан бошлаб совхозларнинг мол-мулкини ноқулай об-ҳаво шароитларидан ва табиий офатлардан давлат йўли билан страхование қилиш жорий этилади, бу эса уларнинг иқтисодий ва молиявий аҳволини яхшилашга кўмак беради. Умуман совхозлар ва колхозларнинг мол-мулкини страхование қилиш учун 3,7 миллиард сўм миқдорида эҳтиёт фонди вужудга келтирилади.

Совхозларнинг ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг фойдаси 3,7 миллиард сўм миқдорида белгиланган ва бу маблағнинг деярли ҳаммаси уларнинг ўз эҳтиёжларига сарфланади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини хўжаликлараро кооперациялаш ва аграр саноат интеграцияси негизида ихтисослаштириш ва концентрациялаш қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг маҳсулот таннархини камайтириш ва рентабелликни оширишнинг катта резервидир. Ҳозир мамлакатда 8 мингтага яқин хўжаликлараро корхона ва бирлашмалар ишлаб турибди. Уларнинг ихтиёридаги асосий фондлар 12 миллиард сўмликка етган. Бу корхона ва ташкилотлар барқарор ишлаб, йил сайин 1 миллиард сўмга яқин фойда олмоқда. КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларига биноан хўжаликлараро кооперациялашни ривожлантириш иши янада актив, планли ва пухта ўйланган тарзда, зўр самара билан ўтказилиши лозим.

КПСС XXV съездининг, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш соҳасида ўртага қўйган вазифаларини амалга оширишда капитал қурилиш муҳим роль ўйнайди. Беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида 700 тадан кўпроқ йирик саноат корхонаси, шунингдек кўп миқдорда бошқа муҳим объектлар қурилди. Шу йилнинг ўзидагина давлат маблағи ҳисобига 108 миллиард сўмликдан зиёд қийматга эга бўлган асосий фондлар ишга туширилади. Келгуси йил учун ҳам қурилиш ишларининг катта программаси мўлжалланмоқда.

1979 йилда давлат капитал ишларини пул билан таъминлаш 4,9 процент ортиб, 116,5 миллиард сўмга етади, шу жумладан Давлат бюджети маблағи ҳисобига 48,6 миллиард сўм қурилади. Ўй-жой ва маданий-маиший қурилишга катта маблағ сарфланади. Келгуси йилда ўй-жой қурилишига ҳамма манбалар ҳисобидан бериладиган капитал маблағ 17,5 миллиард сўмдан ошади. Бу эса жами саҳни 112,3 миллион квадрат метр келадиган ўй-жой биноларини фойдаланиш учун топшириш имконини беради.

Коммунистик партия капитал қурилишдаги ишларни тубдан яхшилашга, қурилишлар ва объектларни ўз вақтида ишга туширишга, ишлаб чиқариш қувватларини ва асосий фондларни тезроқ ўзлаштиришга катта аҳамият бермоқда. Ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш, реконструкция қилиш ва кенгайтиришга ажратилаётган капитал маблағлар улушини ошириш бу вазифани ҳал қилишдаги муҳим йўналишдир. 1979 йилги план ва бюджетда ишлаб чиқариш объектлари учун сарфлаш кўзда тутилган жами капитал маблағ ҳажмининг тахминан 60 процентини шу мақсадларга сарфлаш кўзда тутилган. Бу эса қувватларни энг кам чиқим билан анча қисқа муддатларда қўйишни таъминлаш имконини беради.

Шу билан бирга докладчи айрим министрликлар, аввало қора металлургия ва газ саноати министрликлари ишлаб турган, корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилиш планларини бажармаётганликларини, ажратилаётган маблағларни йил сайин ўзлаштирмай келаётганликларини, қурилиш муддатларини йўл қўйиб бўлмайдиган даражада чўзиб юбораётганликларини таъкидлади. Министрликлар ва қурилиш ташкилотлари мавжуд камчиликларни тугатишлари ҳамда план топшириқларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашлари зарур.

Капитал маблағларни концентрациялаш, чала қолган қурилиш ҳажмларини қисқартириш ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун катта аҳамиятга эгадир. Кўпгина министрликларда нормативдан ортиқча чала қурилиш миқдори ҳали ҳам кўп, капитал маблағларни сочиб юбориш давом этмоқда.

СССР Министрлар Совети СССР министрликлари билан идоралари, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари зиммасига янги бошланадиган қурилиш ва объектлар сонини имкони борича камайтириш, қурилишнинг норматив муддатларига қаттиқ риоя этилишини таъминлаш вазифасини юклади. Шунга мувофиқ 1979 йилги план ва бюджетда барча капитал маблағларнинг ярмидан кўпроғини халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ишга туширилувчи объектлар ва қурилишларни пул билан таъминлашга сарфлаш кўзда тутилган.

1979 йилги капитал маблағ планида машина ва асбоб-ускуналар сотиб олишга қилинадиган чиқимлар салмоғи кўпайтирилганлиги ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга имкон беради. Холбуки, кўпгина министрликларда шу мақсадга ажратилган маблағлардан ҳамиша ҳам самарали фойдаланилаётгани йўқ, ўрнатилмаган асбоб-ускуналарнинг пландан ортиқча запаслари тобора кўпайиб бормоқда. Химия саноати министрлиги, СССР Рангли металлургия министрлиги, СССР Нефть химияси саноати министрлигининг қурилишларида бундай запаслар айниқса кўп. Асбоб-ускуналар ва материалларнинг пландан ортиқча запасларини қисқартириш мақсадида 1979 йил плани ва бюджетида капитал қурилишдаги ички ресурсларни 2,3 миллиард сўм миқдорида сафарбар этиш топшириқлари кўзда тутилди.

Сўнгра докладчи пудрат ташкилотларининг иш сифатини ошириш, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қурилишнинг таннархи масалаларига тўхталди. Партия Марказий Комитети министрликлар билан идоралар зиммасига объектларни белгиланган муддатларда ишга тушириш, қурилиш соҳасидаги резервлардан тўла-тўкис фойдаланиш ва қурилиш майдончаларидаги ишларни яхшироқ ташкил этиш учун қурилишлар ва корхоналар раҳбарларига нисбатан талабчанликни кучайтириш масъулиятини юклади.

Меҳнатни ташкил этишнинг илғор тажрибасини, айниқса бригада пудрати усулини ҳамма жойда оммалаштириш, машина ва механизмлардан тўла-тўкис фойдаланиш, илғор материаллар ва конструкцияларни кенг миқёсда қўлланиш қурилиш самарадорлигини оширишнинг муҳим шартидир.

1979 йилги план ва бюджетда қурилиш-монтаж ишлари таннархини камайтириш ва 7,7 миллиард сўм миқдорида фойда олиш кўзда тутилган Қурилиш министрликлари қурилиш ишларини ташкил этишни яхшилаш ва план топшириқларини бажариш юзасидан конкрет тадбирларни амалга оширишга мажбурдирлар.

Докладчи сўнгра лойиҳа-смета ишини ташкил этишни такомиллаштириш, лойиҳалашдаги камчиликларни тугатиш тўғрисида гапирди. Шу камчиликларни йўқотиш, лойиҳа ҳужжатларини ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш капитал маблағ самарадорлигини оширишга имкон беради.

Савдо-сотиқни ва аҳолига маиший хизмат қилишни ривожлантириш КПСС XXV съезди қабул этган иқтисодий-ижтимоий программанинг муҳим таркибий қисмидир. Ўнинчи беш йилликда савдонинг моддий-техника базаси кенгайтирилмоқда, аҳолига хизмат қилишнинг илғор формалари жорий этилмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, пойафзал, маданий-маиший буюмлар ва бошқа моллар сотиш анча кўпайди.

1979 йилда чакана товар оборoти 1978 йилга нисбатан 4,8 процент кўпайиб, 251 миллиард сўмга етади. Аҳолига маиший хизмат қилиш ҳажми 7,4 миллиард сўмликка етиб, 7,7 процент ортади.

Давлат ва кооператив савдосини савдо ташкилотларининг ўз маблағи ва бюджет маблағи ҳисобидан пул билан таъминлаш 1979 йилда 5,7 миллиард сўмга етади. Аҳолига яхшироқ хизмат қилиш учун магазинлар тармоқларини ва умумий овқатланиш корхоналарини кўпайтириш, уларни зарур асбоб-ускуна ва анжомлар билан таъминлашни яхшилаш, ўзига-ўзи хизмат қилишни ва бошқа илғор савдо формаларини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришни йўлга қўйиш белгиланган.

Докладчи шуни уқтирдики, савдо корхоналари ва ташкилотлари ишида бир талай камчиликлар бор. Савдо ташкилотлари аҳолига зарур моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш мақсадида саноатга ҳамон дурust таъсир ўтказмаяптилар. Айниқса картошка, мева ва сабзавот маҳсулотини тайёрлаш, асраш ва реализация қилишда унумсиз харажатлар ва нобудгарчиликлар кўп.

Савдо корхоналари ва ташкилотлари товар оборoти планлари бажарилишини таъминлашлари, аҳолининг талаб-эҳтиёжини яхшироқ ўрганишлари ва шу асосда халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш юзасидан саноат корхоналарига янада қатъий талаблар қўйишлари, исрофгарчиликлар ва унумсиз харажатларни камайтириш учун қатъият билан курашишлари лозим.

Совет Иттифоқида ғалла-данларнинг ўз сиҳат-саломатлигини сақлаш, қариганда ва касалга чалинганда моддий таъминот олиш, илм олиш, маданият ютуқларидан баҳраманд бўлиш соҳасида СССР Конституциясида эълон қилинган ҳуқуқлари изчиллик билан амалга оширилмоқда.

КПСС XXV съездида қабул этилган социал программага биноан ўнинчи беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида аҳолининг социал-маданий эҳтиёжларини янада тўла-тўкис қондиришга қаратилган катта-катта тадбирлар ўтказилди. 1979 йилда бу ишга 91,2 миллиард сўм ёки бу йилги бюджетда тасдиқланганига нисбатан 3,6 миллиард сўм кўп маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Коммунистик партия совет кишиларининг сиҳат-саломатлиги тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб, аҳолига медицина хизматини янада яхшилаш чораларини кўрмоқда. 1979 йилда касалхоналардаги ўринлар 60 мингтага кўпаяди, амбулаториялар, поликлиникалар, санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасалари қуриш ва уларни кенгайтириш давом эттирилади, медицина саноатининг маҳсулоти кўпаяди.

Совет Иттифоқида халқ маорифини ривожлантириш ва такомиллаштиришга, меҳнаткашларнинг билим ва маданият даражасини оширишга катта эътибор берилмоқда. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг кейинги йилларда қабул қилган қарорлари туфайли умумий, ҳунар-техника, ўрта махсус ва олий таълимни янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришга катта маблағ ажратилмоқда.

Мактабларни пул билан таъминлашга ва янги мактаблар қурилишига бюджетдан 10 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ бериш кўзда тутилган. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг умумий таълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан бюджетдан текин таъминлашга астасекин ўтиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ шу мақсадга зарур маблағ ажратилади.

Планда ва бюджетда мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялашни янада кенгайтириш мўлжалланган, бу эса аёлларнинг мамлакат ишлаб чиқариш, ижтимоий-сиёсий ва маданий турмушида янада кенг миқёсда қатнашишига имкон беради. 1979 йилда давлатнинг мактабгача ёшдаги болалар муассасасини пул билан таъминлашга 4,5 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланади. Шундан кейин докладчи халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун мутахассислар ва юқори малакали ишчи кадрлар тайёрлаш системасини кенгайтириш тўғрисида гапирди.

1979 йилда давлат социал страхование бюджети 32,3 миллиард сўм бўлади, шу жумладан меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотганлик, хомиладорлик ва туғиш нафақалари 7,5 миллиард сўмга етади. Ишчи ва хизматчиларга давлат пенсиялари тўлашга ҳамда колхоз аъзоларининг пенсия таъминотига 1979 йилда 29,9 миллиард сўм сарфланади.

Коммунистик партия билан Совет ҳукумати давлатимизнинг Асосий Қонунига, унинг янги Конституциясига амал қилиб, ленинча тинчлик сиёсатини муттасил ўтказиб келмоқдалар, халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва кенг халқаро ҳамкорлик учун курашмоқдалар.

Совет Иттифоқи тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун бундан буёнги курашнинг КПСС XXV съездида қабул этилган программасини изчиллик билан амалга ошира бориб, қуролсизланиш проблемаларига оид таклифларни неча марталаб киритди. Бу таклифларнинг энг катталари Леонид Ильич Брежневнинг нутқларида баён этилди ҳамда Совет Иттифоқи томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг қуролсизланишга бағишланган махсус сессияси муҳокамасига тақдим этилди.

Бироқ агрессив империалист доиралар халқаро муносабатлардаги кескинликни юмшатишга тўсқинлик қилмоқдалар, қуролланиш пойгасини кучайтирмоқдалар ва ҳарбий устунликка эришишга уринмоқдалар. Ана шундай шароитда давлатимиз мамлакат хавфсизлиги ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш тўғрисида, унинг чегараларини маҳкам қўриқлаш ҳақида зарур ғамхўрлик қилмоқда. СССРнинг 1979 йилги Давлат бюджетида мудофаа харажатлари 17,2 миллиард сўм миқдорида белгиланди. Бу бюджет харажатларининг 6,4 процентига тўғри келади.

Кейинги йилларда, деди сўнгра докладчи, СССР министрликлари ва идоралари, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари хўжаликни бошқаришнинг ташкилий структурасини яхшилаш, автомат бошқарув системасини практикага жорий этиш, аппаратни сақлаш харажатларини қисқартириш юзасидан бир қанча тадбирларни ўтказдилар. Беш йиллиқнинг уч йили мобайнида бошқарув харажатларини қисқартириш йўли билан тежаб қолинган 3,1 миллиард сўм пул бюджетга тушди, бу пулдан иқтисодий ва маданий ривожланиш мақсадлари йўлида фойдаланилди.

Келгуси йилда саноатни бошқаришни такомиллаштириш, бирлашмалар ва тармоқларни бошқарувнинг ортиқча бўғинларини тугатиш, қурилишда ва бошқа тармоқларда бошқарув системасини яхшилаш иши давом эттирилади. 1979 йилги бюджетда ана шу тадбирлар асосида бошқарув харажатларини 1 миллиард сўм миқдорида тежаб қолиш кўзда тутилган.

Докладчилар иттифоқдош республикалар Давлат бюджетлари тўғрисидаги бўлимда айтилишича барча иттифоқдош республикаларнинг Давлат бюджетлари ҳажми 117,1 миллиард сўм миқдорида белгиланди ёки уларнинг 1978 йил учун СССР Олий Совети қабул этган бюджетларига нисбатан 6,6 процент кўпайтирилади.

Иттифоқдош республикаларнинг 1979 йилги Давлат бюджетлари лойиҳалари қуйидаги миқдорда тақдим этилади:

(миллион сўм)

	1979 йил лойиҳа
РСФСР	64304
Украина ССР	20018
Белоруссия ССР	5097
Ўзбекистон ССР	4926
Қозоғистон ССР	7862
Грузия ССР	1943
Озарбайжон ССР	1864
Литва ССР	2273
Молдавия ССР	1530
Латвия ССР	1505
Қирғизистон ССР	1365
Тожикистон ССР	1189
Арманистон ССР	1279
Туркманистон ССР	929
Эстония ССР	981

Иттифоқдош республикаларнинг бюджетдан, ўз хўжаликлари маблағидан ва банклар кредитларидан пул билан таъминлаш 111,2 миллиард сўм миқдорида ёки бу йилгидан 7 процент кўп қилиб белгиланган. Бу маблағлар аввало енгил, озиқ-овқат ва маҳаллий саноатни, қишлоқ хўжалигини, уй-жой ва коммунал хўжалигини янада ривожлантиришга сарфланади. Маориф, маданият, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот харажатлари 58,8 миллиард сўм ёки бу йилгидан 5,1 процент ортиқ қилиб белгиланди. Ажратилаётган маблағлар барча иттифоқдош республикаларнинг халқ хўжалигини янада ривожлантиришни ва аҳолининг социал-маданий эҳтиёжларини янада тўла-тўкис қондиришни таъминлайди.

СССР Министрлар Совети СССРнинг 1977 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни СССР Олий Совети тасдигига тақдим этади. Бюджет даромадлар бўйича 247,8 миллиард сўм ёки планнинг 102,3 проценти миқдорида ва харажатлар бўйича 242,8 миллиард сўм ёки планнинг 100,4 проценти миқдорида бажарилган, даромадлар харажатлардан 5 миллиард сўм ортиқ бўлган.

Пировардида докладчи бундай деди:

Коммунистик партия раҳбарлигидаги совет халқи ўз меҳнатига, ўзининг ўнинчи беш йиллик уч йили план топшириқларини бажариш соҳасидаги қаҳрамонона ишларига мамнуният билан якун ясамоқда.

Мамлакатимиз беш йиллиқнинг тўртинчи йилига янада зўр жўшқинлик билан қадам қўймоқда. Ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларини жадаллаштириш, унинг самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллиқни муваффақиятли бажариш учун оммавий социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёзмоқда. Бу эса келгуси йилги план топшириқлари бажарилибгина қолмай, ошириб бажарилишига ва совет халқи Коммунистик партия XXV съезди қарорларини бажариш йўлида янги қадам қўйишига қомил ишонч туғдиради. (Қарсаклар).

(ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ИТТИФОҚ СОВЕТИ ВА МИЛЛАТЛАР СОВЕТИ ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

28 ноябрда Кремлда СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети Оқсоқоллар кенгашининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда тўққизинчи чақириқ СССР Олий Совети ўнинчи сессиясининг кун тартиби ва иш тартибига доир масалалар қараб чиқилди.

Шу масалалар юзасидан Миллатлар Советининг Раиси В. П. Рубен ахборот берди. Мажлисни Иттифоқ Советининг раиси А. П. Шитиков олиб борди.

Оқсоқоллар кенгашининг мажлисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов ва СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе иштирок этдилар.

(ТАСС).

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАН

28 ноябрь куни Москвадаги Дўстлик уйида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган визитининг беш йиллигига бағишланган кеча ўтказилди.

Совет — Ҳиндистон дўстлиги жамиятининг президенти, СССР министри Н. В. Голдин доклад қилди.

Ҳиндистон Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси И. К. Гужрал қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган визити ва Ҳиндистон Бош министри М. Десаннинг яқинда Совет Иттифоқига қилган визити Ҳиндистон — Совет муносабатларини ривожлантиришда янги босқич бўлди. Ҳинд халқи СССР билан ҳамкорликни кенгайтиришга катта аҳамият бермоқда ва совет халқи билан дўстликни янада мустаҳкамлашга интилмоқда.

(ТАСС).

«КОСМОС-1050» УЧИРИЛДИ

1978 йил 28 ноябрь куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-1050» учирилди.

Йўлдош ичига космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координация-ҳисоблаш марказ олиб борган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

(ТАСС).

ГРАММЛАРДАН—ТОННАЛАР

МУСОБАҚА ТУФАЙЛИ ТУҒИЛГАН

КПСС Марказий Комитетининг бўлиб ўтган Пленумида ҳар бир ишлаб чиқариш коллективида, ҳар бир иш жойида металл, ёнилғи, электр энергияси, бинокорлик материаллари ва бошқа хом ашёни тежаб-тергаб сарфлашнинг муҳимлиги ҳақида гапирилди. Тежамкорлик режимини кучайтириш учун соцмусобақа кенг кўламда, фаоллик билан олиб борилаётган жойда меҳнат кўрсаткичлари ҳам юксак бўлмоқда.

Беш йилликнинг учинчи йилида 800 тонна цемент, 250 тонна металл, 200 куб метр ёғоч-тахта тежаб қоламиз! — «Джизакстепстрой» бошқармаси билан биргаликда материал-техника ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳаракатининг ташаббускори бўлган Янгиер бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатининг коллективи ўз зиммасига ана шундай мажбурият олганди. Бу ташаббусни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган эди. Йил ҳали тугагани йўқ, бироқ ҳозирдаёқ шу нарса равшан бўляптики, янгиерликлар ўз сўзларининг устидан чиқадилар. Бугунги кунгача корхона коллективи 700 тоннадан ортиқроқ цемент, 200 тоннадан зиёд металл ва деярли 400 тонна куб метр ёғоч-тахта тежади.

Бундан аввали йилларда комбинатда худди ўша цемент ёки металлни иқтисод қилиш учун кураш олиб борилмаган эди, деб бўлмайди. Бироқ ҳозирги пайтда бундай кураш ҳар қачонгидан кўра аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда олиб борилмоқда. Иқтисод қилиш ва тежамкорлик бўйича максус кенгаш тузилиб, унга комбинат директори П. Максютенко раҳбарлик қила бошлади. Бундай кенгашлар корхонанинг барча 17 цехида иш олиб бормоқда. Улар қимматли ташаббусларни ўрганмоқдалар ва оммалаштирмоқдалар, рационализаторлик таклифларини жорий этишга кўмаклашмоқдалар, иқтисод қилишнинг янги резервларини изламоқдалар ва топмоқдалар. Бундай кенгашлар тежалган тонналар ва куб метрларни қатъий ҳисоблаб бормоқдалар.

Бироқ ҳаммасидан ҳам муҳими шундаки, комбинат партия ташкилоти иқтисод қилиш ва тежамкорлик учун мусобақага амалда барча ишчиларни жалб этишга муваффақ бўлди. Ишчиларнинг деярли ҳаммаси иқтисод қилиш бўйича ўз шахсий ҳисобига эга, уларнинг кўпчилиги фаол рационализатор бўлиб қолган.

В. Вавилов бригадаси ўз хизмат муддатини ўтаган, эски металл оснасткаларидан ишга яроқли металл парчалари қирқиб олиш ҳамда улардан бостирма деталлар ясашга аҳд қилди. Фақат мана шу ҳисобнинг ўзидангина 12 тоннадан ортиқроқ металл тежаб қолинди.

Мана, бошқа мисол. А. Шабалин бошлиқ электр пайвандчилар бригадаси илгари металл чиқиндиси сифатида ташлаб юборилаётган арматура бўлакларидан панеллар учун синчлар тайёрлашни таклиф этди. Конструкцияларнинг чидамлилиги текшириб кўрилганидан кейин ишчилар таклифи ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Натижада 45 тонна арматура пўлати тежаб қолинди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бетонга цементни белгиланган миқдорда қўшадиган қурилмадан фойдаланиш йўли билан ҳам анча-мунча цемент иқтисод қилиб қолишга муваффақ бўлинмоқда. Бундай қурилмани ишчилар, инженер ва техникларнинг ўзлари тайёрлаб, монтаж қилишган. Агрегат беш процентга қадар камёб цементни тежаб қолиш имконини бермоқда.

Шунисига диққатга сазоворки, комбинатда қўлга киритилган натижаларга катта муваффақиятлар сифатида қаралмаяпти. Бу ерда янги, илғор технологияни жорий этиш, асбоб-ускуналарданмоҳирлик билан фойдаланиш, меҳнатни тўғри йўлга қўйиш ва ҳар бир кишининг ишга онгли муносабатда бўлиши ҳисобига ҳом ашё ва материалларни бундан ҳам кўпроқ тежаб қолиш мумкин, деб ҳисоблашмоқда. Комбинат маъмурияти ва партия ташкилоти коллективни ана шу мақсад сари йўналтирмоқда.

Н. ГЛАДКОВ,
(«Правда» мухбири).
Янгиер шаҳри, Ўзбекистон ССР.
(«Правда», 29 ноябрь).

УЛКАН «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИ УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 29 ноябрга бўлган

МАЛЪУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён (умумий тайёрланадиган пахтага нисбатан процент ҳисобида); тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида).

КАШҚАДАРЁ	0,19	106,34	0,18	104,26
ЖИЗЗАХ	0,51	105,29	—	104,35
БУХОРО	0,07	104,10	0,14	106,57
НАМАНГАН	0,08	102,10	0,05	108,46
ФАРҒОНА	0,18	101,08	0,29	92,84
ТОШКЕНТ	0,43	100,55	0,23	88,09
СУРХОНДАРЁ	0,35	100,51	0,25	100,52
АНДИЖОН	0,14	100,39	0,02	104,07
Самарқанд	0,66	96,30	0,52	103,33
Сирдарё	0,50	89,05	0,10	83,97
Хоразм	0,20	85,24	0,18	97,07
ҚҚАССР	0,36	74,96	0,25	75,24
Республика бўйича	0,29	97,60	0,19	98,49

Шу жумладан ингичка толали пахта

БУХОРО	0,19	106,50
Қашқадарё	0,31	94,61
Наманган	0,17	94,01
Сурхондарё	0,67	92,47
Республика бўйича:	0,51	94,36

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНМОҚДАЛАР

БМТ стипендиатларининг «Совет Ўрта Осиё Республикаларида аҳоли ва тараққиётни планлаштириш» мавзуидаги машғулотлари 29 ноябрь куни Тошкентда ниҳоясига етди. Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган 19 мамлакат намояндалари республикадаги корхоналар, олий ўқув юртлари, институтлар ва бошқа муассасаларнинг социал ривожланиш тажрибаси билан танишдилар.

БМТ - стипендиатларининг машғулотлари В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг демография лабораториясида ўтказилди.

(ЎзТАГ).

ЮГОСЛАВИЯ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

ЮСФР миллий байрами — Республика кунига бағишлаб 28 ноябрда Москва меҳнаткашлари намояндаларининг тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси А. Я. Пельше, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. Е. Поляков, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. В. Архипов, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, ҳарбий бошлиқлар, жамоатчилик вакиллари президиумга чиқдилар.

Докладчи — СССР давлат матбуот, нашриёт ва китоб савдоси комитетининг раиси Б. И. Стукалин кўп асрлардан бери дўстона алоқаларда бўлиб келган Совет Иттифоқи билан Югославия халқлари улуғ синовлар даврида ҳамиша бирга бўлганликларини уқтириб ўтди.

Йиғилишда ЮСФРнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили И. Жукич сўзга чиқиб, Югославия—Совет ҳамкорлиги барча соҳаларда муваффақиятли ривожланаётганлигини таъкидлади. У бундай деди: биз аминмизки, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро дўстона муносабатларнинг бундан кейин ҳам муваффақиятли ривожланиши учун барча шарт-шароитлар мавжуд ва ҳар икки томон ҳам шунга интилмоқда. И. Жукич совет халқига, КПССга, Совет ҳукуматига ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежневга янгиянги ютуқлар ва муваффақиятлар тилади.

(ТАСС).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Р. 02929. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д. — 273.